O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 5-oktabr, chorshanba ● № 43 (743) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Ҳаёт сурури



МАҲАЛЛА фуқаролар турмуш тарзининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолди, одамларнинг онгу тафаккуридан мустаҳкам жой олди, юртимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда яқин ва ишончли кўмакчига айланди.

➪ 3-бет

Афғонистонда илк рок-фестиваль

"Боғи Бобур" хиёбонида ўтказилган мазкур мусиқа байрамини томоша қилиш учун ҳатто мамлакатнинг чекка ҳудудларидан минглаб кишилар келишди. Уларнинг аксариятини ёш йигит-қизлар ташкил этди. Афғон халқи учун кутилмаган бу тадбир ёши улуғ кишиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.



➪ 5-бет

Иқтидор қаноти

Дилнозанинг "Мўйсафид", "Зулфияхоним — вафо тимсоли", "Новвой" каби ижодий ишларида миллийлигимиз белгилари, қишлоқ муҳити, унинг содда одамлари акс этган. Тинимсиз изланишлар албатта самара бермай қолмайди.



➪ 8-бет

МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясида "Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, халқимиз ўртасида ва халқаро маданий доираларда бу асар катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилаётгани таъкидланди. Эл-юртимизнинг ана шу тариҳан қисқа даврда босиб ўтган ғоят мураккаб, айни вақтда шарафли тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай асосда, қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилганини англаш, уларнинг барчасини яхлит ҳолда, ички диалектик қонуниятлари, бор зиддият ва қарама-қаршиликлари билан тушуниб етишда бу китоб ишончли манба ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши аниқ мисоллар, назарий ва амалий хулосалар асосида кўрсатиб ўтилди.

Бўлиб ўтган қизғин фикр алмашувлар давомида ўзининг таркибий тузилиши, мавзу-мундарижаси, асосий ғояси, бошқа манбаларда деярли учрамайдиган тарихий ва таҳлилий материалларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турадиган бу китобга кирган, бугунги кунда биз учун ноёб манбага айланган ҳужжатлар ўз вақтида халқимизни истиқлол йўлида, янги жамият, янги ҳаёт қуриш йўлида сафарбар этган бўлса, ҳозирги вақтда яна бир улуғ мақсадга — озод ва эркин ҳаётимизни қадрлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий тафаккуримизни бойитиш ва юксалтиришга хизмат қилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу фундаментал асар ўзининг чуқур маъно-мазмуни, юртимизда истиқлолга эришиш, янги демократик жамият қуриш йўлидаги кўплаб саволларга аниқ жавоб бериши билан келажакка қаратилган қомусий асар экани қайд этилди.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида ғоят муҳим ва қимматли манба бўлган ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда теран тадқиқ этиш, илмий истеъмолга киритиш, энг асосийси, унда баён этилган ғоя ва қарашларни 2010 йили Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш масаласи конференция дастурининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг истиқлол арафасидаги чуқур инқироз ҳолати ва бу инқироздан чиқиш йўлидаги изчил ҳаракатлар, юртимизда сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар назариясининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган дадил қадамлар, тарихда шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдевори, китобни таълим тизимида ўрганишнинг долзарб масалалари ҳамда унинг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган маърузалар ҳам конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг энг муҳим икки жиҳатига эътибор қаратилди.

Биринчидан, бу китоб истиқлол тарихимизнинг шу вақтга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида очиб беради ва шу тариқа ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни устамонлик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадларда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Маълумки, ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бормоқда, унибўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, у ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган ноёб маълумот ва манбаларни тиклаб, истиқлол тарихимизни сохталаштиришга йўл қўймасдан, уни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни чуқур ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Конференция ишида "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини чуқур илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги илмий мезон ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантириш, асарнинг туб моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгига етказиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

(ЎзА)





Давр нафаси

Фаровонлик турмуш тарзимизда ўз ифодасини топмоқда


Юртбошимизнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида вилоятимизга қилган бу галги ташрифи ўзига хос тарихий воқеа бўлди. Сабаби, мамлакатимиз тараққиётининг йигирма йили давомида изчил амалга ошириб келинаётган туб ислоҳотлар натижаси Андижон заминида ўз самарасини яққол намоён эта бошлаган кунларда мана шундай самимий дийдорлашув амалга ошди.

Юртбошимиз Андижон билан, меҳнаткаш халқимизнинг яратувчанлик қудрати, олиб борилаётган қурилишлар кўлами билан обдон танишар экан, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятига муносиб баҳо берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 8 сентябрда имзоланган "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари асосида вилоятимизда қуриб фойдаланишга топширилган хонадонларда бўлиб, дилдан суҳбатлашгани, турмушимизни янада фаровонлаштириш хусусида ўз орзу, истакларини баҳам кўргани ҳаммамизда катта таассурот қолдирди.

Андижонда тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини тезкорлик билан ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида махсус қарор қабул қилиниши ва шу асосда вилоятнинг ижтимоий тараққиётига замин яратилгани аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида кўрсатилган ғамхўрликнинг юксак намунаси бўлди. Қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлиб қайд этамизки, андижонликларнинг бугунги ёшу қари, аёлу эркак авлоди чинакам бахтли, омадли инсонлардир. Уларнинг юртимиз равнақи йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари мустақиллигимизни елкасида опичлаб вояга етказаётган заҳматкаш Президентимизнинг назарига тушди, холисона ва юксак баҳоланди.

Қилинган ҳалол меҳнатнинг вақтида рағбатлантирилиши вилоят аҳлини руҳлантириб юборди. Халқимиз янги марралар сари катта қадамлар ташлаб, ҳар жабҳада фидокорона меҳнатга киришиб яшамоқда. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожи кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги мунтазам ўсишда давом этмоқда. Юртбошимиз вилоятимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир вақтлар бор-йўғи 8-9 фоиздан ошмаганини, эндиликда эса бу кўрсаткич 23,6 фоизни ташкил этаётганини мамнуният билан тилга олганларида бунинг тасдиғи турмуш тарзимизда ўз ифодасини топаётганини дилдан ҳис этдик.

2 »





✓ Ҳуқуқ

РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБОТИ

уни такомиллаштириш тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ тадбиркорлик фаолиятига давлат, шу билан бирга назорат қилувчи органларнинг аралашувини чеклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда тадбиркорлик ривожи йўлидаги турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай муҳит яратилганлигидан далолатдир.

Республикамизда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, 2000 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари билан бир қаторда, тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири рухсатномалар бериш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳисобланади. Бу соҳадаги қонунчилик республикамизда босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда.

6 »

✓ Ўзбекистон Қаҳрамонлари фаолиятидан

ҲАР БИР ҚАДАМ – ЖАСОРАТ

Инсонни таниш учун унинг хатти-ҳаракатларини, орзу-интилишларини, ҳаётнинг кескин бурилиш нуқталарида ўзини қандай тутишини назардан ўтказиш кифоя. Ўз ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олган, орзу-истакларини рўёбга чиқаришда бурч ва виждон уйғунлигига эришган кишилар турли тўсиқ, қийинчилик ва зиддиятлар қаршисида тоб ташламай, сабр-матонат билан илгарилаб бораверади ва албатта, ўз мақсадларига етишади.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор Александр Фармоновнинг шахсий варақасидаги мана бу жумлани ўқидим-у, юқоридаги мулоҳазалар хаёлимдан кечди: «Етук муҳандис, малакали ташкилотчи, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган талабчан ва жасур раҳбар».

Эллик уч ёшида бундай фазилатларни орттириш, ҳар қандай шароитда уларга содиқ қолиб яшаш ва меҳнат қилиш осон кечгани йўқ. Буларнинг барини — ҳақгўйлик, ишчи сўзининг қадри, ўзига ва атрофидагиларга ишончни отаси — Бекобод цемент комбинатида кўп йиллар печь машинисти бўлиб ишлаб Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Қосим акадан ўрганди. Зиммасидаги масъулият, ота ўгитлари унга ишонч бағишлади. Ёшлигидан — Жамбул гидромелиоратив қурилиш институтини битириб, биотозалаш цехида уста, цех бошлиғи бўлиб ишлаб юрган кезларидаёқ фикран тиниқди. Унинг кейинги қадамларини ҳам шу ҳиссиёт бошқарди, десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йили «Ўзбекқурилишматериаллари» давлат концерни раисининг ўринбосари вазифасига тайинланганида ҳам «кабинет кишиси»га айланмади. Ёш, ғайрат-шижоатли, амалий ишда чиниққани боис ўз ўрнини ҳамиша одамлар орасида деб билди.

— Мен ниҳоятда бахтиёрман, — деган эди бир суҳбат чоғида Александр Қосимович. — Нега дейсизми? Ахир, мамлакатимиз мустақиллигини халқ депутатлари қаторида туриб эълон қилиш, суверен Республика Конституцияси, Давлат мадҳияси, Давлат байроғини қабул қилиш жараёнларида қатнашиш, мустақил Ўзбекистонимиз қонунларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда иштирок этишдан ҳам ортиқ бахт борми?!.

2 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ҲАР БИР ҚАДАМ — ЖАСОРАТ

(Бошланиши 1-бетда.)

Александр Фармонов «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарувининг раиси — бош директор мақомида металлурглар даврасида иш бошлаганида муваффақият ўзўзидан келмаслигига амин бўлди. Дастлаб ишлаб чиқариш участкаларини айланиб, аҳвол билан яқиндан танишди. Мутахассислар, цех раҳбарлари билан ўтказилган икки-уч кенгашдаёқ ишни нимадан бошлаш, куч ва маблағни нимага йўналтириш лозимлигини аниқлаб олди.

Дастлаб металнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва рақобатбардошлигини таъминловчи ДСП-100 печлари ўрнатилиб, электрда пўлат эритиш цехини қайта ускуналашга киришилди.

Ўша йиллари мамлакат рангли металлургия корхоналарида бир муаммо пайдо бўлди. Четдан валюта ҳисобига сотиб олинадиган маъданларни майдалаш соққалари таъминотида узилиш бошланди. Ҳолбуки, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бундай соққаларсиз ишлай олмасди. Уларни Бекободда ишлаб чиқаришни ташкил этиш фикри кимда, қачон туғилганлигини, эҳтимол, бугун аниқ айтиш қийиндир, бироқ янгиликка ўч, ташаббускор Фармонов бу ишга ўзига хос шижоат билан киришди. 1997 йилнинг июлида янги технологик линияни созлаш-ишга тушириш якунланди, шу пайтгача корхона фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлиб турган пўлат соққалар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди. Кейинчалик технологик жараён яна ҳам такомиллаштирилиб, Олмалиқ металлургларига 120 миллиметрли пўлат соққалар ҳам етказиб бериладиган бўлди.

— Эндиликда уларни хориждан сотиб олиш барҳам топди, — деган эди у 2001 йил якунларини муҳокама қилиш чоғида. — Дастлабки тўрт ойдаёқ шерикларимиз – мамлакат рангли металлургия корхоналарига 4 минг 303 тонна шундай маҳсулотлар етказиб берилди. Бу мамлакатимизнинг валюта жамғармаси учун бир миллион 299 минг АҚШ доллари тежалди, деган сўз.

Александр Қосимовичга хос интилувчанлик ва унинг самараларини кўрсатувчи бундай мисоллар кўп. Чунончи, бозорни ўрганиш мамлакатда шиша идишларга эҳтиёж катталигини кўрсатди. Бош директор мутахассисларни тўплаб, маслаҳат солди: «Уларни ишлаб чиқаришга киришсак-чи?» Масаланинг корхона учун муҳим жиҳати ҳам бор: пул тушуми тезлашади. Бу эса бошқа ижтимоий муаммолар ечимига йўл очади. Шу тариқа қисқа фурсатда шиша банкалар ишлаб чиқариш қуввати барпо этилди. Бирйўла 168 та янги иш ўрни ҳам ташкил этилди.


Етакчи ишбилармон бўлса, жамоа изланишдан асло толмайди. Бекободга ҳар борганимизда бирор янги гап эшитардик. Бир қарасангиз, металлурглар махсус сим ёки электродлар ишлаб чиқаришга киришишган, бир кўрсангиз электрда пўлат эритувчи янги печнинг монтажи якунланган бўлади. Технологияларни такомиллаштириш натижасида 2002 йил декабрида пўлат эритиш муддати 2 соату 35, декабрда эса 1 соату 34 дақиқани ташкил этди. Бир кеча-кундузда 13 та эритма олинди. Орадан тўрт ой ўтгач, бу кўрсаткич 17 тага етказилди. Бекобод металлурглари 2006 йили 616,7 минг тонна пўлат эритишди. Хорижга 87,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ўша йили 277,7 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот олинди.

Мамлакат қора металлургия саноатининг энг йирик корхонасини барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқиш жараёнларидаги ғайрат-шижоати ва ташаббускорлиги муносиб тақдирланиб, Александр Фармоновга 1997 йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берилди. 2004 йили эса, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

2005 йилдан бошлаб Қалмоққир конида руда қазиб олиш камайди. Табиийки, бу ҳол мис бойитиш ва рангли металларни эритиш корхоналари ишига салбий таъсир кўрсатди. Шу жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш участкаларида ҳам ўсиш суръатлари сусайди. Мисни бойитиш фабрикасида қайта ишланган руда 2007 йилдаги 26,1 миллион тоннадан 2008 йили 23,1 миллион тоннага тушиб қолди. Шунинг оқибатида мис эритиш заводида ишлаб чиқариш 14,6 минг тоннага камайиб кетди. Бошқа ишлаб чиқариш участкаларида ҳам оқсаш аломатлари кўзга ташлана бошлади.

Табиийки, ҳукумат бундай ҳолатни бартараф этиш чораларини кўрди. Ниҳоятда мураккаб пайтларда Бекободдаги йирик металлургия корхонасини ўпирилишдан олиб чиқа олган Александр Фармонов ОКМК очиқ акциядорлик жамияти раҳбарлигига ўтказилди.

Александр Қосимович янги жойда ҳам ўзига хос қатъият билан ишга киришди. Мамлакатимиз раҳбарияти, шахсан, республика Президентининг эътибори билан ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш жараёни бошланди. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан тасдиқланган дастурлар асосида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўзлаб, Александр Фармонов мутахассислар куч-ғайратини рудани қайта ишлашнинг илғор технологияларини жорий этиш, ички ва ташқи бозорларда харидоргир янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига қаратди. Бу ўринда ҳам унинг масъулиятни чуқур ҳис қилувчи, ижтимоий ривожлантириш вазифаларини ўз вақтида, оқилона ва сифатли бажара оладиган жамоани шакллантира олиш маҳорати иш берди. Натижада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантиришнинг 2012 йилгача мўлжалланган дастури муваффақият билан бажарилди. Ишлаб чиқаришга киритилган сармоя 2010 йилга келиб 280,7 миллиард сўмга етди. Бир йилда 12 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди.



Асосли ташкилий-техник чора-тадбирлар 2009 йилиёқ фақат Қалмоққир конининг ўзида руда қазиб олиш 3,1 миллион тоннага кўпайишига олиб келди. Жорий йилда эса барча саъй-ҳаракатлар уни яна 6,1 миллион тоннага ошириб, 33,3 миллион тоннага етказишга қаратилган. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ҳажмини мис бўйича 104, металл рух бўйича 135,7 фоизга кўтариш имконини берди.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида технологик жараёнлар маромини барқарор таъминлашда эҳтиёт қисмларнинг аҳамияти катта. Фармонов буни кўпйиллик тажрибадан жуда яхши билади. Шу боис, ОКМКга ишга тайинланиши билан ёрдамчиларнинг эътиборини шу масалага қаратди. Корхонанинг ўз маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқишга бош бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил бажарилиши туфайли 2009 йилиёқ 28,5 миллиард сўмлик 29 хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Кейинги йили эса бу кўрсаткич 31,3 миллиард сўмга етди.

Меҳнат жамоасининг шу йил февраль ойидаги конференциясида бош директор шундай деди:

— 2010 йилни ижобий молиявий натижа билан якунладик. Корхонамиз 87 миллиард сўм соф фойда олди. Ёки бир йилда соф фойдани уч баравар кўпайтиришга эришдик. Бу маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизациялашга, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Шу бир йилда Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион дастурига комбинат бўйича киритилган 12 та лойиҳа амалга оширилди. Чунончи, Хонжизза кон-бойитиш мажмуаси қурилиши якунланди, мис бойитиш фабрикасида рудани майдалаш бўлинмалари реконструкция қилинди, Қалмоққир ва Саричека конлари реконструкция қилиниб, кенгайтирилди.

Лавҳамиз қаҳрамони ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иш шароитларини яхшилаш, ходимлар учун ғамхўрлик кўрсатиш жамоада маънавий муҳитни соғломлаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб, белгиланган режаларни рўёбга чиқаришнинг асоси эканини яхши билади. Бекободда ҳам, янги иш жойида ҳам у шунга амал қилди. Жумладан, унинг етакчилигида Гидрометрияда янги кўприк, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, 13- ва 14-даҳаларда янги уйлар қурилгани, кўчалар ободонлаштирилгани, шифохоналар таъмирланиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлангани, Чорбоғ денгизида ноёб дам олиш минтақаси барпо этилганини бекободликларнинг эсидан чиқмайдиган иш бўлди.

Айни шу иштиёқ ва интилиш Олмаликда ҳам баралла бўй кўрсатмоқда. Ўтган йили шаҳар касалхонаси ва ёшлар истироҳат боғини реконструкция қилиш учун 7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Унинг бешдан бир қисми энг замонавий ташҳис-даволаш ускуналари сотиб олишга сарфланди.

Ёш мутахассисларни излаб тайёрлаб бориш, уларнинг зарур билимларни олиши учун замин тайёрлаш ҳар бир корхона раҳбарининг бурчи. Сўнгги икки йилда олмалиқлик 230 нафар йигит-қиз Тошкент ва МДҲ давлатлари олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқитилди. Бунинг натижаси сифатида шуни айтиш мумкинки, ўтган йили комбинатга ишга жойлашганларнинг 48 фоизини олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчилари ташкил этди.

Бундай катта ҳажмдаги ишларни бошлаш, шулар хусусида зарур қарорлар қабул қилиш раҳбар учун осон эмас. Ахир, қўйилган ҳар бир қадам ҳисобли, жавобгарлиги бор! Лекин Фармонов ўзи зарур деб ҳисоблаган режаларни рўёбга чиқариш учун ҳеч қачон иккиланмайди.

Шахсий варақасидаги ёзувдан: «А.Қ.Фармонов — мақсадни ва устувор вазифаларни белгилаш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, ишни тўғри ташкил қилиб, кўзлаган мақсади йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишга қодир истеъдодли ва иродали раҳбар». У айни пайтда, адолатлилиги, ўзига ва атрофидагиларга бирдек талабчанлиги, юксак касбий ва ташкилотчилик маҳорати билан жамоатчилик ўртасида ҳурмат ва обрў-эътибор қозонмоқда. Ҳамма соҳаларда унинг мақсадлари аниқ: маҳсулот сифатини изчил ошириб бориш, бунинг учун «9999» маркали рух олиш имконини берувчи технологияни яратиш. Иккинчидан, янги спорт мажмуасини барпо этиб, футболни ривожлантиришга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшиш, учинчи муҳим вазифа эса корхона ходимларини корхонанинг ўзида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш...

Олий Мажлис Сенати аъзоси, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган Александр Қосимович Фармонов бугун Олмалиқ металлургларига шу сингари қутлуғ ва кўламли режаларни рўёбга чиқариш йўлида етакчилик қилмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

Суратда: *«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор, Ўзбекистон Қаҳрамони Александр Фармонов ҳамкасблари орасида.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат

Фаровонлик турмуш тарзимизда ўз ифодасини топмоқда

(Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш соҳасида белгилаб берилган барча вазифаларни бажариш, Андижонимиз иқтисодиётини ҳар томонлама юксалтириш ва шу асосда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш келажак сари тобора олға интилиб яшаётган халқимизнинг эзгу ниятига айланди.

Андижон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Айни пайтда вилоятда фермерлик ҳаракати пахтачилик ва ғаллачилик йўналиши бўйича кенг қулоч ёймоқда. Йилдан-йилга иқтисодий салоҳияти бақувват, ер тилини яхши биладиган бадавлат ер эгалари — мулкдорлар шаклланиб ва кўпайиб бормоқда. Қисқа фурсатларда янги шаҳарсифат маҳаллалар вужудга келмоқда. Шарқона усул ва халқимизнинг ўзига хос миллий турмуш тарзи билан замонавий муҳандислик ишланмаларининг уйғун бўлишига алоҳида эътибор берилаётгани қишлоғу шаҳар аҳолисини бирдек қувонтиради, албатта.

Одатда Андижондаги туб ўзгаришлар ҳақида гап кетганида, аввало, буни унинг автомобилсозликда эришилган ютуқлари билан боғлашади. Бинобарин, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида барпо этилган ушбу йирик саноат иншооти халқимизнинг чинакам бахти ва фахри бўлди.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ҳам вилоятда иқтисодий тараққиётнинг янгича усулларини янада кенг ёйишга имкон яратди. Ҳозирги кунда вилоятимизда иш билан банд аҳолининг 85 фоизга яқин қисми айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол исботидир.

Вилоятимизда ҳал қилиниши лозим бўлган барча режаларни беками-кўст бажариш учун аҳиллик, уюшқоқлик, талабчанлик, шунингдек, онгли интизом ва ўзаро меҳр-оқибат юксак ташкилотчилик хислатлари билан уйғунлашган. Буни бўлажак муваффақиятларнинг гарови дейиш мумкин. Меҳнатсеварлик, ўзаро ҳурмат, нозиктаъб муомала маданияти кундалик ҳаётда доимо кўзга ташланиб туради. Юксак марраларни эгаллашда халқимизнинг ана шу олижаноб фазилатлари Президентимизнинг андижонликларга билдирган ишончини оқлашни таъминлайдиган мустаҳкам тагзаминдир.

Жорий йилнинг 21 май куни Андижон тарихига ўчмас саҳифа бўлиб ёзилди. Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллигига бағишлаб “Ободлик кўнгилдан бошланади” деб номланган фестивалнинг ўтказилиши, унда республикамизнинг барча вилоятларидан меҳмонлар: адиблар, санъаткорларнинг иштироки чинакам тантана эди. Фестиваль шаҳарнинг янги барпо этилган “Ўзбекистон” кўчасидан бошланиб, ярим тунга қадар истироҳат боғларида давом этди. Меҳмонларнинг “Ўзбекистон” кўчасидаги Юртбошимиз маслаҳати билан замонавий услубда барпо этилган уч қаватли биноларни кўриб чин маънода диллари хушнуд бўлди. Бобурий замон аҳлининг ҳиммати ва ғайрат-шижоатига офаринлар айтилди.

Мамлакатимиз Президенти шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлганида ҳам вилоят ишбилармонлари, фаоллари билан учрашуви чоғида ҳам барча саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларига қаратилганига алоҳида урғу бердилар. Ана шундай ҳаяжонли дамларда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, эл манфаати ва фаровонлигини кўзлаб қилинаётганлигини Андижон аҳли дилдан ҳис қилиб турди. Зеро, Юртбошимиз ишончига содиқ бўлиш ҳам яна бир бахт-иқбол нашидасидир. Шу ҳақда ўйлар эканман, эртанги кунга ишонч билан қарайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган халқимиз Ўзбекистондай диёрда яшаётганидан чинакамига бахтлидир, дегим келди.

Ҳар сафар она Андижон кўчаларини айланганимда қалбимда меҳр жўшади. Иморатларию боғ-роғларига, теварак-атрофга завқланиб боқаман. Кўнглимдан ўтганини оққа кўчираман: «Меҳрибоним, тарбияткунандам Андижоним! Сен виждонан қилган ҳалол меҳнатлари билан турли ноз-неъматлар яратиб бераётган танти халқимни илиқ бағрингга олган ва унга ором берувчи қадимий кошонасан. Сен икки ярим миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган вилоятимизнинг танти ва меҳмондўст халқини бирлаштириб турган мўътабар гўшасан. Қуллуқ сенга, минг бор ташаккур сенга, азиз Андижоним!

Қучоғингда вояга етган мард ўғлонларинг, асил қизларинг, уларнинг раҳнамолари бўлмиш раҳбар фарзандларинг сенинг шаънингни улуғлаш учун тинмай меҳнат қилишмоқда. Ҳозир ҳеч кимда бир лаҳза ҳам тиним йўқ. Барчанинг ягона мақсади — меҳнатда топган обрў-эътиборингни ҳимоя қилиш ва кўпайтирмоқдир. Азамат фарзандларинг муқаддас заминимизни янада гўзаллаштириш, қувват бериш билан банд. Бу ватанпарварлик ишида садоқатли, саховатли фарзандларинг жон фидолик билан сенинг келажагинг ҳақида ўйланадилар ва шу йўлда ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, улар юрагида халқимизнинг сенга бўлган муҳаббати ва эгалик ҳисси, сендан ифтихор қилиш туйғуси жўш уриб турибди. Юрт қалбида, унга содиқ бўлган фуқаролари қалбида мана шу эзгулик ҳиссининг, ифтихор туйғусининг кенг ва чуқур томир отиши учун биз — олимлар ва қалам аҳли доимо камарбастамиз!»

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ,
Бобур номли Андижон давлат университети фахрий профессори

✓ **Ислоҳот чорраҳаларида**

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

юртимизда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар жамият равнақига хизмат қилмоқда

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт кўпроқ халқ эҳтиёжига тез ва осон мослаша оладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таянади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу соҳа ривожига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани сўзимиз тасдиғидир.

Тадбиркорларга яратиб берилган ва яратиб берилаётган кенг имкониятлар самараси ўлароқ, бугунга келиб республикамизда эмин-эркин фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 32 мингтага етди. Уларнинг 23,4 мингтаси ёки 78 фоизи бюджетга ягона солиқ тўлови тўлайди. Демак, тадбиркор ҳалол меҳнати билан ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашдан ташқари, давлат хазинасини тўлдирувчи, демакки, эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилувчи ҳамдир.

Шу йилнинг 24 августидаги Президентимизнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони тадбиркорликни янада жадал ривожланиши учун дастуриламал вазифасини ўтайди, дейиш мумкин. Хусусан, Фармонда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада қатъий ва аниқ амалга оширилишини таъминлашга қонуний таянч бўлиб хизмат қилади. Тағин ушбу Фармонга асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2014 йилгача тадбиркорлик субъектларининг тегишли идораларга ҳисоботлар топширишини электрон тизимига босқичма-босқич ўтишини таъминлаш бу борадаги катта оворагарчилик ва ортиқча сарф-харажатларга чек қўйиши билан ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 25 августидаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлайди ва кераксиз сансалорликларга барҳам беради. Масалан, қарорга асосан, шу йилнинг 1 сентябридан тадбиркорлик соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлардан 50 тасининг амал қилиши бекор қилинди.

Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган бу шарт-шароитлардан, имкониятлардан, қатъий ҳуқуқий ҳимоядан руҳланган тадбиркорлар фақат ишлайдиган замон келди, дея янги ютуқлар, янги самаралар сари белни маҳкам боғламоқдалар.

Абдували ҲАЙДАРОВ,
Тошкент Авиация транспорт прокурори ёрдамчиси

“Истиқлол – ғурурим, маҳаллам – фахрим” танловига

ҲАЁТ СУРУРИ

Тадбир чиройли ўтди. Байрам байрамга ўхшади: тўкин дастурхон, дилкаш суҳбатлар, дилрабо куй-қўшиқ, шўх ўйин-кулгилар...

Дуога қўл очган Жуманқул акага бошқалар эргашди:

— Илоё, шу дориломон кунларга етказганига, ризқу неъматларига беҳисоб шукур! Юртимиз тинчлигига, осмонимиз мусаффолигига, аҳил-иноқлигимизга кўз тегмасин. Ҳаётимиз яна ҳам фаровонлашиб, раҳбарларимиз соғ-омон бўлишсин. Юртбошимиз айтганларидек, “Мустақиллигимиз абадий бўлсин!” Шундай байрамларга етказганига шукур, омин!

Одамлар хайр-хўшлашиб, тарқала бошлади. Жуманқул ака уч-тўрт киши билан шаҳардан ва қўшни маҳаллалардан келган меҳмонларни кузатиб қайтди.

— Мана, эсон-омон ўтказиб ҳам олдик, — деди ёнидагиларга. Сўнг қаршисида турган Мансурга юзланди. — Шу чойхонани зап қурган экансан-да, ука, маҳалланинг жонига кўп оро киряпти. Умрингдан барака топ. Энди Ҳамида билан Зулфияга айт, ишларини саришталаб, даҳа гузарига боришсин. Юмуш билан келадиганлар кўп. Ишларинг тугагач, Олимжон билан ўзинг ҳам ўтгин. Саид бобо, Рўзиқул ака, юринглар, идорада бир пиёла чой ичиб, суҳбатни давом эттирамиз.

Отахонлар жойларидан қўзғалишди...

Тадбир — гўзал Навоий шаҳридаги “Истиқлол” маҳалласида юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги шарафига ёзилган байрам дастурхони эди. Жуманқул Қодиров шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Саид Астанов қариялар сардори, Рўзиқул Гуломов бош посбон, Ҳамида Қурбонова — маслаҳатчи, Зулфия Зойирова — котиба, Олимжон Усмонов — профилактика нозири, Мансур Сувонов — “Гулистон” чойхоначиси.

Дарвоқе, маҳалла, деганимиз раисдан олти ёш “кичик”: 1956 йили ташкил топган. Ўшанда “2-маҳалла” деб юритиларди. Э-э, сирасини айтганда унинг ҳечам маҳаллалик сиёқи йўқ эди. Рост-да, бировга тузук-қуруқ нафи тегмагач, жамиятда на ўрни, на мавқеи бўлмагач, “йўқ” дейсан-да. Борадиган эшикнинг, гапни тинглайдиган одамнинг ўзи йўғиди. Манзил учун айтилмаса, биров эсламасди ҳам.

О-о-о, ташрифингдан ўргилай, Истиқлол! Иссиқ тафтингдан заъфарон юзларга қизиллик, мудроқ томирларга қайноқ қон югурди! Қадамингда гуллар очилди, қадамингдан гуллар сочилди! Одатда янги чақалоққа исм қўйишади. Маҳалладошлар худди шу кунларни кутиб юришгандек, бир овоздан унга “Истиқлол” дея ном беришди. Ҳурматли Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳақиқий маҳалланинг жамиятдаги ролини, ўрнини, вазифаси ва қиёфасини аниқ-равшан белгилаб бердилар: МАҲАЛЛА аҳолига чинакам ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатадиган, қўллаб-қувватлайдиган, кенг имкониятларга ва ваколатларга эга ўзини ўзи бошқариш органи бўлмоғи лозим! Ва бунинг қонуний-ҳуқуқий асосларини яратишда ҳам шахсан ўзлари бош-қош бўлдилар: маҳалланинг ҳуқуқий мақоми мустақил мамлакатимиз Конституциясининг 105-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилди.

...Эски маҳалла идораси кўримсизгина бинода жойлашган бўлиб, таъмирталаб эди. “Справка” ё “Метрка қоғоз” учун демаса, биров унга қадам босмасди.

“Кўпдан қуён қочиб қутулмас”, дейишади. истиқлолликлар ҳашар қилиб, бинони қайта таъмирлашди, ёнидан қўшимча хона қуришди. Деворлар оқланди, эшик-ромлар бўялди. Кўринарли жойга “ИСТИҚЛОЛ” маҳалласи деган ёзув ўрнатилди. Дарахтларнинг ортиқча шох-шаббалари буталаб, таналари оқланди. Бино атрофи тозаланиб, гуллар экилди. Олдида уч-тўрт жойга ўриндиқлар қўйилди. Қарабсизки, бинойидек масканга айланди. Маҳалланинг ташқи кўринишигина эмас, ўрни, вазифаси, мақоми, ишининг мазмун-моҳияти ҳам бутунлай ўзгарди. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда, кундалик турмуш муаммоларини ҳал қилишда унинг имкониятлари кенгайиб борди, маҳаллий ҳокимиятларнинг бу борадаги бир қатор ваколатлари маҳаллаларга ўтди.

Энди иши бўлса-бўлмаса одамлар бир келиб гузарни айланиб кетишарди. Шу мўъжазгина маҳалла янгиликларидан тортиб дунёнинг узоқ чеккаларидаги воқеаларгача суҳбат қизийди. Бирор хонадонда, рўзғор ё ишда битмаган муаммо бу ерда дарров ҳал бўлади. Шу тариқа МАҲАЛЛА фуқаролар турмуш тарзининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолди, одамларнинг онгу тафаккуридан мустаҳкам жой олди, юртимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда яқин ва ишончли кўмакчига айланди. Бу ерда яшовчиларнинг бошини қовуштирди, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлади. Энг муҳими, бу ер инсон ўз қадрини топадиган, маънавий-маърифий тадбирлар, умумхалқ байрамлари, учрашувлар ўтадиган севимли масканга айланди...

— Ай, қариб қолдик-да, Жуманқул, — Саид бобо раисга гап қотди. — Айни ишлайдиган замон бўлаяпти. Бир думалаб, ўттиз яшар йигитга айланиб қолсайдим...

— Етмиш бешнинг устидаман. Ўйлаб қарасам, айни куч-қувватга тўла, қирчиллама даврим бировга қулдай ишлаш билан ўтибди. Роҳатини ўзинг кўрмагандан кейин қулликдай гапда-а. Қўни-қўшни бир жойга йиғилиб, бундай байрам қилишлар қаёқда эди дейсиз?!.

— Мустақилликнинг қадрини вақт ўтган сари янаям яхшироқ тушунамиз, бобо, — деди Жуманқул ака. — Эркинликда ўтган бир кун бутун умр тутқунликда яшагандан авло. Уни-буни кўяйлик, илгари катта-кичик байрамда икки-уч ҳамсоя билан қариндош-уруғ йўқларди. Ҳозир ҳамма ҳафта-ўн кун бурун бир-бирини табриклашни бошлайди. Байрам куни бола-чақаси билан бирга кўчиб чиқади, ўйин-кулги қилади, қувончини баҳам кўради. Ўйлаб қараса, МАҲАЛЛА ҚЎНИ-ҚЎШНИ БИРГА ҚУРГАН КАТТАКОН ЯГОНА УЙГА ЎХШАЙДИ...



Зулфия гузарга отахонлар билан изма-из етиб келди, дарров чойга уннади.

— Ҳай, қизим, — Жуманқул ака котибасига юзланди. — Вали билан Ҳабибулланикига, Раъно билан Гуландомнинг болаларига ош чиқардингларми? Айтилганлардан ҳам бировлар кўринмади. Улар ҳам эсдан чиқмадими?

— Хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлди, ош ҳам етди. Ўзим бошида турдим.

— Сендан-ку кўнглим тўқ, — раис ёнидагилар томон ўгирилди. — Шу Валини айтаманда, қўл-оёқсиз шўрликка жуда қийин, кун бўйи термулиб ўтиради. Уйи ҳам шип-шийдам экан. Тунов куни маҳалла номидан музлатгич, газ плита, учта гилам, олтита кўрпача, иккита кўрпа, гули бир хил чойнак-пиёла-коса тўплами олиб борганимизда ўзини қўярга жой тополмади, кўзларидан дув-дув ёш оқди. “Қўйинг, йиғламанг, ҳали ҳаммаси яхши бўлади”, десак ҳам ўзини ҳеч босолмади. Уйига газ ўтказиш лойиҳасини маҳалла ҳисобидан тайёрлаб бердик. Ҳар ойда унга меъёрдагидан 20 кг. ун, 2 кг. ёғ ортиқча бераяпмиз. Бундоқ олганда, рўзғорининг ярмидан кўпини маҳалла кўтараяпти. Фуқаролар учун шундай имкониятлар яратилади, ваколатлар бериб қўйилади, деб ўйлаганмидингиз. Элнинг ғамини еганларнинг отасига минг раҳмат!

— Раъно билан Гуландомнинг рўзғорига сигир совға қилингани ҳам яхши бўлди, — гапга қўшилди бош посбон Рўзиқул Гуломов. — Болаларининг оғзи оққа етибди...

Зулфия дамлаб келган чойдан бир-бир пиёла ичган отахонлар гузар олдида бир-бирларига омонлик тилаб, хайрхўшлашди.

Жуманқул ака идорадаги ишлар билан банд бўлиб, оқшомни адо қилган бўлса-да уйга шошилмади. Шу топда маҳалланинг ўзи бош бўлиб қурган янги биноси атрофини, гулзору боғларини бир айлангиси келди. Икки-уч маҳалла қўшилиб, фуқаролар йиғинига бирлашгач, эски идора торлик қилиб қолганди. Касби қурувчи эмасми, янги МФЙ гузари қурилиши учун яхши жойдан олти сотих ерни танлаб, иморат тархини ўзи тайёрлади. Бино бешта кенг, ёруғ хона ва мажлислар залидан иборат эди. Атрофида боғ ва хиёбонлар ташкил қилиниб, ўриндиқлар, чоллар учун чорпоялар қўйиладиган бўлди. Гузарнинг икки томонида тикувчилик цехи, сартарошхона, новвойхона, турли дўконлар ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиши кўзда тутилди.

Халқимизнинг кўплаб қадимий қадриятлари, эзгу анъаналари, азалий урф-одатлари борки, садағаси кетсанг арзийди. Жуманқул аканинг наздида “ҳашар” элимиз қонқонига сингиб кетган ана шундай улуғ одат. Янги гузар қурилишида бунга такрор амин бўлди. Пойдевори бошланганидан токи битгунигача одам аримади. Ҳатто усталар баъзан иш топиб беришга шошиб қолишди. Биринг ўн бўлгур ҳомийлар маблағдан аяшмади. Ҳа, бирлашган мингни йиқар, дегани рост экан. Маҳалла биноси ўтган йилнинг ўн ойида қуриб битказилди. Атрофига 5 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Гуллар чамандай очилиб турибди, ҳа демай дарахтлар ҳосилга кириб жаннатдай боғ бўлади... Ҳаммасидан қувонарлиси, маҳалладошлар юрт Мустақиллиги байрамини ана шу гузарда яйраб-қувнаб ўтказишди!..

Яқинда “Истиқлол” маҳалласида Навоий шаҳридаги барча МФЙ раислари ва маслаҳатчиларининг ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга бағишланган кўргазмали семинари ўтказилди. Етмиш нафар иштирокчи гуруҳларга бўлиниб, Боғи-шамол, Мустақиллик, Исо Норов, Навбаҳор кўчаларидаги ҳамма хонадонларга бирма-бир кириб, кўриб, танишиб чиқишди. Улар кўчаларнинг тоза-озодалигига, хонадонларнинг ободлигига, ҳовлиларнинг саранжом-саришталигига, томорқа маданиятига юксак баҳо бердилар. Дарвоқе, МФЙ ҳудудидаги барча хонадонлар томорқаси учун ҳамма турдаги экин кўчатларини шу маҳаллада яшовчи тўрт нафар тадбиркор етиштириб беради. МФЙ ҳудудида ва хонадонларда шу йил бошидан бери 17 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар, 17,2 минг дона петуня гули, 1,2 гектар ерга бир йиллик ва 0,7 гектарга кўп йиллик гуллар ўтказилди. 2011 йилда “Истиқлол” маҳалласи “Обод маҳалла” кўрик-танловининг республика босқичида совриндор бўлди. Шунингдек, Навоий шаҳар МФЙ ўртасида ўтказилган “Гуллар юртим жамоли” кўргазмасида олий ўринни эгаллаб, компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

Маҳаллада 7286 нафар аҳоли яшайди. Шундан 2700 нафарини 18 га тўлмаган ёшлар ташкил қилади. Ўғил-қизлар ғоявий етук, жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари, бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Маҳаллада бунинг учун барча имкониятлар муҳайё. Ҳар бир ўғил-қизнинг жисмоний ҳолати, соғлом ўсиб-улғайиши 2-ОП шифокорларининг доимий назоратида. Ўтган йили МФЙ ҳудудидаги 3-БСМ ва 10-ўрта умумтаълим мактабининг футбол майдонларига янги, тоза тупроқ солиниб, 20 см. қалинликда чим ётқизиб чиқилди. 10-мактабнинг гимнастика зали тўлиқ таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу ўйингоҳларда маҳалла болалари турли хил спорт ўйинлари билан шуғулланишдан ташқари вилоят ва шаҳарнинг нуфузли мусобақалари ҳам ўтказилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили маҳалла фуқаролари учун кенг имкониятлар очди. Бу ерда ҳунармандчилик, касаначилик, темирчилик турлари, томорқа зироатчилиги билан азалдан шуғулланиб келишади. Мустақиллик йилларида тадбиркорлар сафи кенгайди. Ҳозир маҳаллада ҳар уч кишидан бирови тадбиркор. Шу йил бошидан бери МФЙ тавсияси ва ёрдами билан 14 нафар ҳунарманд ва тадбиркорга “Микрокредитбанк” ва “Асакабанк” шаҳар бўлимларидан кредит олиб беришга эришилди. Мисол учун, тикувчилар Раъно Бегашева, Шаҳзода Қурбонова, Мадина Тўхлиеваларнинг ҳар бири банкдан 2,5 миллион сўмдан кредит олишиб, шунинг ҳисобига янги иш ўринлари ташкил қилишмоқда ва ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришмоқда.

Маҳаллада ҳамма аҳил-иноқ, хонадонлар обод, оилалар тинч-тотув. Кейинги йилларда жиноятчилик барҳам топгани кузатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси “Истиқлол”ликларнинг ягона катта оиласи қўлга киритган энг қимматли ютуқ, энг бебаҳо бойлик! Шу боис, истиқлол МФЙ “Энг намунали маҳалла” кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳамиша биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

...Жуманқул ака дарвозани тақ-туқ урди. Ичкаридан невараси Маликанинг “ҳозир” деган овози эшитилди.

— Ҳали ухламадингми? — деди Жуманқул ака. — Вақт алламаҳал бўлди-ку.

— Сизни кутиб тургандик. Байрам яхши ўтдими?

— Яхши ўтди, болам. Шукур.

Жуманқул ака хотини Зумрад опа, келини Шаҳзода, невараси Муҳаммад билан тезгина ҳол-аҳвол сўрашди. Ўғли Алишер ҳали ишдан қайтмаган экан.

...Тонгга яқин Жуманқул ака раҳматли онасини тушида кўрди. Оппоқ либосдаги Ҳайитгул опа бош томонида ўтириб, унинг сочларини силаётган эмиш. Жуманқул ака ўн бир ёшлигида онадан етим қолган. Ҳозир она кўнглини кўзгудагидек уқиб турганмиш: “Элнинг корига яраган тўнғичимдан ўргилай, сенинг умрингни не-не савоб ишлар учун сўраганман. Кўпнинг дуосини ол. Халқнинг дуосига фаришталар қўл очади...” Шундай дея онаси аста туриб, ундан узоқлашибди...

Жуманқул ака “она-а, тўхтанг” деганида уйғониб кетди, жиға-жиға тер босган пешонасини артди. Эрта баҳорда ҳам шунга ўхшаш воқеа рўй берганди. Ўшанда маҳалла фуқаролар йиғини “Гулшан” тўйхонасида кам таъминланган оилаларнинг 8 нафар ногирон болаларига хатна тўйи қилганди. Ўшанда ҳам онаси тунда тушига кирган ва у билан қалбан сўзлашиб кетганди... Қизиқ, марҳумлар ҳам тирикларнинг эзгу, савоб ишларидан суюнишар экан-да...

Жуманқул ака қайта ухлай олмади. Тонг оқара бошлади. Ҳадемай буюк Мустақилликнинг тотли мевваларидан бири — МАҲАЛЛА деган каттакон ягона хонадонда яна хайрли, эзгу ва савобли юмушлар бошланади...

Эргаш ИБРОҲИМОВ

ҚАЛАМИГА ТАЯНГАН ЖУРНАЛИСТ



Эргаш Иброҳимов ўз касбини ардоқлайдиган, ҳаддини биладиган ижодкорлар тоифасидан. Қаламга меҳри бўлакча. Буни ёзган кўплаб очерк, мақола ва лавҳаларидан ҳам билиш мумкин. Республикамиз газета-журналларида унинг турли мавзуларга бағишланган публицистик асарлари мунтазам чоп этилади. Боиси, Э. Иброҳимов узоқ вақт республика матбуотида хизмат қилиб, тажрибали ҳамкасбларидан журналистиканинг сир-синоатларини ўрганган, кези келганида ёш қаламкашларга ўзи ҳам устозлик қилган.

Журналистнинг дўстлари, шогирдлари уни тез-тез йўқлаб туради. Суҳбат, албатта, касб маромига бориб тақалади. “Газеталарни мунтазам ўқиб бораман, кўриб, билиб турибман”, дейди у. Ҳамкасблар эса уни жўшқин ижодга ундайди.

Бугун у саломатлиги сабаб истаган пайтида таҳририятларда бўла олмаса-да, ижод намуналари қанот боғлаб, ҳамкасбларининг иш столига келиб турибди. Қаламига таяниб қад ростлаб турган ижодкор таҳририятга ҳавола этган қуйидаги лавҳа ҳам ўзининг ҳаётийлиги билан эътиборлидир. Ушбу чизгилар жамият ишига қўшган камтаргина ҳиссасидан олам-олам баҳра олаётган замондошларимиз фаолияти ҳақида.

Солиқ

Иситмаси ошкор қилди

Бўстонлиқ туман давлат солиқ инспекциясининг назорат-таҳлил ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш шўъбаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги “Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида”ги ҳамда 2002 йил 5 августдаги “Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Тилга олиб ўтилган қарорлар ижроси юзасидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 54 та юридик ҳамда турғун савдо муассасаларида режали, шунингдек, қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Текширишлар жараёнида 54 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Хусусан, назорат-касса машиналарининг ишлатилмагани оқибатида 15 миллион 294 минг 600 сўм нақд пул банкларга топширилмагани, 15 миллион 976 минг 300 сўмлик харид қилинмаган товарлар аҳолига сотилгани маълум бўлди. Мазкур қонунбузарликларни содир этганларга 123 миллион 354 минг 100 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланди. Битта корхонада аниқланган қонунбузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатлар СВОЖЖДЛҚК бўлимига, 51 шахсга нисбатан йиғилган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди. Суд айбдорларга 13 миллион 573 минг 300 сўм миқдорида жарима қўллади.

Дилшод ТОШМЕТОВ,
Бўстонлиқ туман ДСИ шўъба мудири

Божхона

Айланма йўлдаги “дорифуруш”лар

Сифатсиз дори-дармонлар инсон учун энг азиз неъмат — сиҳат-саломатликка жиддий хавф туғдириши шубҳасиз. Чунки белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда ташиладиган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради.

Республикамиз божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида қатор тадбирларни олиб боришмоқда.

Қашқадарё вилоятининг чегарадош ҳудудини назорат қилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари айланма йўл четига яшириб қўйилган юкларга дуч келишди. Холис кишилар иштирокида мазкур юклар кўздан кечирилганда, уларда ноқонуний олиб ўтиш режалаштирилган 8 турдаги салкам 1000 дона дори воситалари борлиги аниқланди. Дюфастон, тетурам, фурацилин каби дори-дармонларнинг умумий қиймати 9 миллион сўмдан ортиқ экан.

Вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан, шунингдек, писхотроп таблеткаларнинг ноқонуний олиб кирилишига оид қонунбузарлик ҳолатлари ҳам фош этилмоқда.

“Москва-Душанбе” поезди йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Д.Урозов қўл сумкасига 20 дона “Фенозепам” таблеткаларини яширган ҳолда олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Москвадан учиб келган жарқўрғонлик Х.Саитмурадова эса “Қарши” аэропортида бироз “ушланиб” қолди. Сабаби у 50 дона “Фенозепам” психотроп таблеткаларни ноқонуний равишда олиб киришга уринган экан.

Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида республикамиз божхоначиларининг ҳамкорликдаги тадбирлари натижасида 1,2 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги дори-дармон воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори

Таҳририят почтасидан

ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Фарғона вилояти Қува тумани Қорақум маҳалласида яшовчи Холматовлар оиласи автотранспорт олди-сотдиси юзасидан беш йил аввал қилинган ноҳақлик қурбонига айлангани, муаммони ҳал этишда чорасиз қолишгани хусусида бундан икки ой муқаддам таҳририятимиздан ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Ўша пайтнинг ўзида муаммо нега ўз вақтида ҳал этилмаганини билиш, масалага ойдинлик киритишни сўраб, Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ раҳбариятига хат жўнатилди. Жавоб ҳам олинди. Олинган хат аввалги тафсилотларнинг қайтариғидан иборат бўлгани учун «Иннайкейин...» сарлавҳали танқидий мақола ҳам тайёрланди. Уни чоп этишдан аввал яна бир бор Холматовлар билан телефон орқали боғландик. Маълум бўлишича, таҳририят аралашгач, мутасадди ташкилотлар ҳаракатга кела бошлабди. Пировардида Холматовлар талаби қондирилибди. Яқинда хонадон соҳиблари таҳририятимизга яна мактуб йўллади:

«Биз Холматовлар оиласи бир-икки ой муқаддам юқори турувчи инстанциялар қатори «Hurriyat» редакциясига ҳам ариза билан мурожаат қилиб, бизга етказилган моддий зарарни фирибгарлардан ундирилишида ҳамда ҳақиқатни тиклашда амалий ёрдам беришларини сўраган эдик. Ҳозирги кунда бизга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган муносабати билан бизга кўмак берган барча идора вакилларига, жумладан «Hurriyat» таҳририятига миннатдорлик билдирамиз. Фуқаролар: Холматов Алишер, Холматова Одинахон, Холматов Солишер, Холматов Каримжон, Холматов Одилжон (имзолар) 21.09.2011 йил».

P.S.: таҳририят жамоаси фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида холисона кўриб чиқиш, ҳамкорликда муаммолар ечимини топиш борасида муштарийларимизга ҳамиша кўмак беришда давом этади.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Тажриба

«Зарафшон»нинг «Устоз-шогирд» мактаби

Баъзи давраларда «Журналистни ўқитиш орқали касбга йўналтириб бўлмайди. Бу соҳага қизиқувчиларга имконият бериб кўриш лозим. Чунки журналистда туғма қобилият бўлиш керак» деган мазмунда мулоҳаза юради. Бу фикрда бирмунча асос бор: иқтидори, кучли иштиёқи бўлмаган киши соҳада ишлаши мумкин, лекин ҳақиқий журналист бўла олмайди. Демоқчи бўлаётганимиз, иқтидорли журналистларни излаб топиш, уларни қизиққан соҳасига йўналтириш (босма ОАВ, ТВ, радио ёки интернет нашрлари) осон иш эмас. Таъбир жоиз бўлса, собиқ иттифоқ даврида бу иш туман ва вилоятларда «ишчи-қишлоқ мухбирлари университети» кўринишида бажарилган. Ҳозир эса бу замон талаб-эҳтиёжлари даражасида амалга оширилаяпти. Пойтахтдан ташқари республикамизнинг тўртта вилоятида журналистик маҳорат марказлари бир неча йилдан буён ишлаб келаётгани сўзимиз исботидир.



Мулоҳазаларимизни давом эттиришдан олдин айрим маълумотларни келтирсак: айни пайтда Самарқанд вилоятида 53 та матбуот нашри, оммавий ахборот воситаси — 6 та журнал, 19 та шаҳар ва туман газетаси, 16 та хусусий, 12 та тармоқ газетаси фаолият кўрсатаяпти. Иккита етакчи телевидениеда кунига 45 соатлик кўрсатув, 4 та радио орқали эса 54 соатлик радиоэшиттиришлар эфирга узатилаётган бўлса, босма нашрлар салкам 300 мингдан кўпроқ нусхада чоп этилаяпти. Шунингдек, вилоятда иккита нашриёт ва иккита ноширлик бўлими ишлаб турибди.

Энди савол туғилади: сон жиҳатдан кўпайиб бораётган ОАВда кадрлар масаласи қандай ҳал қилинаяпти? Ҳа, бу вилоят ва туманлар учун, қайд этиш мумкинки, долзарб масалалардан бири. Чунки пойтахтда ўқиб, журналист деган дипломни олган ёшлар туман ёки узоқ шаҳарларга бориб ишлашни ҳар доим ҳам маъқул кўрмайдилар. Натижада улар ўрнига умуман бошқа соҳа мутахассислари фаолият олиб бормоқдалар. Бошқача айтганда, ҳозир ишлаётган ходимларнинг жуда кам — тахминан бешдан бир қисми журналист ихтисослигига эга, холос. Туман нашрлари муҳаррирларининг ўртача ёши эса 50-60 атрофида, баъзилари нафақага чиққан.

Мамлакатимизда шу каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида бундан бир неча йил муқаддам амалий ишга киришилди. 2006 йил Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Зарафшон» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ОАВнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, фаолият кўрсатаётган ижодий ва техник ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган хайрли тадбирга қўл урди. Газета ҳузурида «Журналистик маҳорат маркази» ташкил этилди. Жамоат фондининг молиявий кўмагида марказга замонавий компьютерлар, ўқув воситалари ва бошқа зарур техника воситалар ўрнатилди. Семинар машғулотларини олиб бораётган тренерлар ойлик маош билан таъминланди.

Маҳорат маркази 2011 йилнинг январь-июнь ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағи ҳисобидан фаолиятини давом эттирди. Таъкидлаш лозимки, Олий Мажлис ҳузуридаги мазкур жамоат фондининг айнан журналист кадрлар тайёрлаш, ёш иқтидорларни излаб топиш ва тарбиялашдек эзгу ишга ҳомийлик қилаётганини миллий матбуотимизнинг эртанги истиқболига эътибор деб тушунмоқ керак. Негаки, жамоат фонди ажратган грант маблағи журналистикага қизиқувчи ёшларни ўқитиш ва маҳоратини оширишга келгусида вилоят, туман газеталарининг кадрларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Маҳорат маркази фаолиятининг ўтган даврида журналистикага қизиқадиган 130 нафардан ортиқ ёшларга махсус дастур асосида семинар ва амалий машғулотлар ўтилди. Улар соҳа бўйича бошланғич назарий билим олдилар, амалиёт жараёнида иштирок этиб, муайян иш кўникмасига эга бўлишди.

Анъанага кўра, шу кунларда «Журналистик маҳорат маркази»га навбатдаги босқич тингловчилари саралаб олинмоқда. Ўз навбатида, газета саҳифаларида, олий ўқув юртларида, коллеж ва лицейларда тарғибот ишлари олиб борилаётир. Тингловчиларни саралашда ёшларнинг иштиёқи, машғулотларда мунтазам қатнашиш имкониятининг мавжудлиги, шунингдек, бошқа таҳририятлардан тушган сўров ва мурожаатларга эътибор қаратилади. Бунда тингловчиларнинг яшаш жойи, келажакда ишлаши кутилаётган ҳудудлар географияси ҳам ҳисобга олинади. Шунга кўра марказ тингловчилари сифатида Самарқанд давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида таҳсил олаётган талабалар кўпроқ қабул қилинмоқда. Дарвоқе, ўтган мавсумда маҳорат марказида тажриба сифатида бешнафар тингловчидан иборат рус гуруҳи ташкил этилди.

Мақола бошида эслатиб ўтганимиздек, маҳорат марказида ўқиш-ўқитиш учун барча шароит яратилган. Журналистика бўйича тренерлар ва бошқа мутахассислар, «Зарафшон» таҳририяти ходимлари томонидан иш-режага кўра икки ой назарий билим берилгач, тингловчиларга материал тайёрлаш ва уни таҳрир қилиш бўйича кўникма ҳосил қилиш учун амалий машғулотлар ўтилади. Бу жараённинг ўзига хослиги шундаки, машғулотлар жараёнида материалларни тингловчиларнинг ўзлари қизғин тортишувлар асосида муҳокама қилишади. Ижодий ишлар таҳририятда яна бир бор кўриб чиқилгач, котибиятга ўтказилади. Тайёрланган материалларнинг асосий қисми «Зарафшон» газетасининг ёшлар учун ташкил этилган «Ёғду» саҳифасида эълон қилинади.

Яна бир эътиборли масала, машғулотларнинг охирги йигирма дақиқаси интеллектуал ўйинларга бағишланади. Журналистика ва социологияга оид қизиқарли саволлар ўртага ташланади. Турфа жумбоқларга кўпроқ жавоб бериб, юқори балл тўплаган тингловчи рағбатлантирилади. Дастлаб «шарҳ ва жумбоқ», «жанрлар таснифи», «топишмоқ сўз» каби ноодатий тушунчалардан бошланган интеллектуал ринг аудиторияни қамраб олади. Юртимиз тарихи, адабиёт ва маънавиятга оид савол-жавоблар қизиқарли ўйиннинг моҳиятини ташкил этади. Бу, албатта, тингловчиларнинг фикрлаш доирасини ўстириб, тафаккурини чархлашга имкон яратади.

Машғулотнинг дастлабки тўрт ойида ОАВга оид асосий мавзулар ўтиб бўлингач, газета макетини яратиш, материалларни саралаш ҳамда жойлаштириш ва бошқа техник қоидалар хусусида «Зарафшон» газетасининг масъул котиби амалий машғулот олиб боради. Тингловчилар таҳририят иш жараёни билан бевосита таништирилади. Бир сўз билан айтганда, бир мавсумда йигирма нафар ёшларга журналистика эшиклари очилади ва ўзини кўрсатишлари учун имконият яратилади.

Манноб ИБОДУЛЛАЕВ,
Убайдулла СИРОЖЕВ,
«Зарафшон» газетаси ҳузуридаги «Журналистик маҳорат маркази» тренерлари

Тадбир

Матбуотчилар ва матбаачилар кўргазмаси

Ўтган ҳафта том маънода ОАВ ходимлари ва матбаачиларнинг чинакам байрамига айланиб кетди, десак янглишмаймиз. Чунки уч кун давомида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишига мувофиқ медиамаконда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ташкил этилган мазкур форумнинг очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққанлар кўргазмада ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётган юзга яқин босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари фаолиятида янги босқич бошланганини таъкидладилар.

Шу куни аҳолининг кенг қатламлари ва хорижликларни миллий оммавий ахборот воситаларимиз салоҳияти, нашриёт ва матбаа бозорининг равнақи, кичик бизнес вакилларининг экспорт имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида матбаачилик, ноширлик, реклама, дизайн каби соҳалар ҳамда канцелярия маҳсулотларининг XIII халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Саксонга яқин компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этган кўргазмада матбаачилик технологиялари, ихчам полиграфия асбоб-ускуналари, нашриёт ва реклама иши учун зарур жиҳозлар намойиш этилди. Иштирокчилар кўргазма давомида нашриёт-полиграфия саноатидаги сўнгги янгиликлар билан яқиндан танишиш билан бирга замонавий технологияларни харид қилиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Тадбир доирасида мамлакатимиз медиа бозорини сифатли фотоматериаллар билан таъминлаш мақсадида маҳаллий фотобанк тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, республикамиздаги йирик босма нашрларда ва ҳудудий газеталарда фаолият кўрсатаётган журналистлар учун Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Анъанавий ва интернет журналистика: ўхшашлик ва тафовутлар» (Сарлавҳа ва линклардан фойдаланиш: амалий маслаҳатлар) ҳамда «Босма нашрларнинг веб-версиялари: ўзига хослиги ва дизайни» (ОАВнинг фотобанки, NETнинг имкониятлари ҳамда архивларни яратиш бўйича амалий маслаҳатлар, дизайнер фаолиятининг асосий қоидалари, фойдаланиладиган дастурлар мажмуи) мавзуларида ўқув-семинар ташкил қилинди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Суддан сўз

Манқурт

Иймоннинг асоси сабр ва шукурдир, деб баён қилинган муқаддас китобларимизда. Бироқ жиноят кўчасидан юриб, террорчилик, қотиллик, қўпорувчилик, товламачилик, қаллоблик каби жирканч ишлар билан шуғулланиб келган бу нотавон кимсаларда иймон не қилсин? Демакки, қаноат ҳам, шукроналик ҳам улар учун бегона эди. Ваҳоланки, айни дамда одил суд ҳукмига шай турган бу олтовлон бир пайтлар тилда Оллоҳ номини зикр этган ҳолда ислом динини ниқоб қилиб саждага бош қўйсалар-да, ҳар бир разиллик учун у дунёю бу дунёда қатъий жазо муқаррарлигини билишмасмиди?

1971 йили Қарши шаҳрида туғилиб вояга етган Бахтиёр Нуриллаев ҳам ана шу олти нафар жиноятчидан бири. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани судида бўлиб ўтаётган суд жараёнида ана шу кимсанинг жиноий қилмишлари кўриб чиқилмоқда.

Бахтиёр Нуриллаев қирқни қоралаган. Аммо ана шу қирчиллама ёшида оиласи, олти нафар фарзанди даврасида эмас, қора курсида ўтирибди. Унинг қилмишлари рўйхати узун.

Дунё яралибдики, одамзод турли омиллар туфайли гоҳ адашиб, гоҳ қасддан жиноятга қўл уради. Хулосалар шуни кўрсатадики, ана шу омиллар орасида энг асосийси, моддий манфаатдорлик, бойлик, пул васвасасидир. Ҳатто арзимаган пул учун инсон ҳаётига зомин бўлганлар ҳақида эшитганмиз. Бироқ Бахтиёр Нуриллаев кам эмас, нақд 10 га яқин катта-кичик корхонанинг эгаси эди. Истиқлол сабаб, юртимизда тадбиркорлар, мулк эгалари учун яратиб берилган имконияту имтиёзлар шарофати билан қўли жарақ-жарақ пул кўрди, оддий новвойдан кимсан «Бахтиёр бойвачча»га айланди. Минг таассуфки, мустақиллик, Ватан инъом этган неъматларни жиғилдонига уриб, яна юртга, юртдошларига қарши уруш очган кимсаларни ким деб аташ мумкин?! Ватанфурушми ёки одам қиёфасидаги жирканч махлуқ?

Бахтиёр 1986-1989 йилларда Қарши шаҳридаги касб-ҳунар билим юртини ошпазлик мутахассислиги бўйича тамомлаб, аввал новвой, кейин Қарши шаҳридаги буюм бозорида тижоратчи бўлиб ишлаётган кезларида ҳали навқирон йигит эди.

2003 йилга келиб омади чопди — «Идеал инвест» хусусий корхонасини ташкил этиб, ўртоғи Анвар Раимовни унга раҳбар қилиб қўйди. Орадан уч йил ўтиб Қарши шаҳрида «Luck Spring» номли яна бир хусусий корхона очди ва унинг қошида «Баракат» савдо мажмуаси фаолиятини йўлга қўйди. Мажмуани онаси номига хатлаб берди. Шунингдек, Қарши шаҳрида ўзи ташкил этган ишлаб чиқариш цехига «Мадина-Мебель» деб ном берди. Аммо барча молиявий ишлар жиловини ўз қўлига олди.

Хуллас, мўмай пул дараги чиқди-ю, новвойлик, тажрибасизлик, тажрибасизлик туфайли ўртага ҳаром луқма, ғирромлик, қаллоблик аралашди. Нақд пул орқали шакар сотишни мақсад қилган Бахтиёр Нуриллаев ўртоғи Анвар Раимовга унинг номига фирма очишни, Қозоғистон Республикасидаги танишлари кўмагида ушбу фирма орқали нақд пулга шакар келтириб сотишни таклиф қилди. Шу тариқа «Идеал инвест» хусусий корхонасига асос солинди. Гарчи корхона 2003 йилда рўйхатдан ўтган бўлса-да, 2005 йилгача унинг ҳисоб рақамига пул туширилмади. Шакар савдоси нақд пул орқали амалга оширилиб, соликдан қочилди. 2005 йилга келиб, «Идеал инвест» орқали молиявий амалиётлар бажарила бошланди. Бахтиёр Нуриллаев ҳамтовоғи Анвар Раимов билан шартнома асосида шакар харид қилиб, нақд пулга сотишни авжга чиқарди. Бухгалтерия ҳисоботларида сохта кўрсатмалар кўпайди. Бундан ташқари, Бахтиёр Нуриллаевга тегишли «Нуриллаев Рўзи» фермер хўжалиги ҳам молиявий қаллобликларга аралаштирилди.

2006 йил июнь ойида Бахтиёрнинг таклифи билан Анвар Раимов хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ушбу тадбиркорлик субъекти орқали молиявий жиноятлар амалга оширила бошланди.

«Баракат мебель» савдо мажмуасида ҳам худди шундай қинғир йўллар билан даромад олинарди. Бу ерда ҳам савдо нақд пулга амалга оширилиб, кирим қилинмасди.

— Мен 2007 йилнинг куз ойларида Мадина шаҳрига, "Умра" зиёратига бориб ўша ерда Равшан Тўраев исмли киши билан танишдим, — деб баён қилади Б.Нуриллаев ўз кўрсатмасида. — Шундан кейин сафардан қайтгач, у билан Тошкент шаҳрида учрашиб турдик. Равшан ака уй-жой сотиш билан шуғулланар эди. 2008 йилнинг бошларида Тошкент шаҳрига кўчиб келдим. Шундан кейин савдодан тушган нақд пулларни ишчиларим пойтахтга қатновчи киракашлар орқали менга жўнатиб туришди. Ушбу маблағларни Тошкент шаҳрида уй қуриш, кўчмас мулк сотиб олиш учун сарфлаганман.

Шундан сўнг, 2009 йилнинг тахминан баҳор ойларида Равшан Тўраев мени Шавкат Маҳмудов деган киши билан таништирди. Уни «Умар» деб аташар экан. Орадан тахминан бир ёки икки ҳафта ўтгач, Равшан ака мени уйига таклиф қилди. Шу куни танишим Алишер Нуритдиновни учратиб қолиб, меҳмонга у билан бордик. Шавкат Маҳмудов ҳам шу ерда экан. Таомдан сўнг у бизга Қуръон, ҳадисдан сўз очиб, саҳобалар ҳаёти, уларнинг қилган ишлари тўғрисида гапириб берди ва сўзи охирида, даврамизни кенгайтиришимиз кераклигини айтди. Шунда мен укаларим борлигини, кейинги гал уларни ҳам олиб келишимни айтдим. Бу таклиф маъқул тушди.

Бир-икки ҳафта ўтгач, апрель ойида Равшан Тўраевга Шавкат ака билан учрашишни таклиф этдим. Бу гал бизникида йиғилдик. Укам Баҳодир ва танишим Алишер ҳам келди. Умар ака овқатланиб бўлганимиздан кейин Қуръон, ҳадис ва жиҳод хусусида мисоллар билан гапириб берди.

Бундай учрашувлар навбати билан бошқа-бошқа манзилларда ҳам ўтказилди. Сафимиз янги йигитлар ҳисобига бойиб бораверди. Укам Баҳриддинни ҳам даврамизга қўшдим. Шавкат Маҳмудов, яъни Умар бизга жиҳод хусусида таълимотлар берди.

2009 йилнинг август ойи эди. Укам Баҳодир Нуриллаевни ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳибсга олишибди. Ундан қурол-яроқ чиқибди. Мени ҳам қамаб қўйишлари мумкинлигини ўйлаб, яшириндим ва Равшан Тўраевга қўнғироқ қилдим. У Қозоғистон Республикасига кетаётганини айтди. Мени бирга олиб кетишини сўрадим, у рози бўлди. Равшан ака мени чегара постига олиб келди ва у ерда танишлари ёрдамида ноқонуний равишда Қозоғистон Республикасига ўтдик. 2010 йилда Қозоғистонда бизни 9 июнь куни қамаб қўйишди...

«Ўзингдан чиққан балога...» деганларидек, бугун Бахтиёр Нуриллаев темир панжара ортида ўтирибди. У ҳар қанча уринмасин, ўз қилмишларини оқлаш учун ҳеч қандай асос айта олмайди.

Хўш, жиҳод тарғиботи билан шуғулланган бу жиноий гуруҳ қаердан пайдо бўлди, уларнинг мақсади нима эди?

2009 йилнинг ўрталарига келиб мамлакатимизда содир этилган баъзи хунрезликлар барчамизнинг ёдимизда. Ўшанда «Умар» лақабли кимса — Шавкат Маҳмудов бошлиқ экстремистик гуруҳ томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор диний идоралар вакиллари, масжиду мадрасаларнинг имом-хатиблари ҳамда ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари ўлдириб кетилган эди. 1999 йил 16 февралда пойтахтимизда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари иштирокчиси сифатида айбланиб, қидирилган Шавкат Маҳмудов мазкур гуруҳнинг раҳбари экан. Чеченистон ва Доғистонда ҳарбий тайёргарликдан ўтган, сўнгра жиноий қилмишлари туфайли Украинадан ҳам қочиб кетган Ш.Маҳмудов 2008 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига келиб бошпана топади ва шундан сўнг Ўзбекистонда жиҳодчилар гуруҳини тузиш ҳаракатини бошлайди. Кўп ўтмай у мамлакатимизга келиб, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга киришади.

Маълумотларга кўра, Шавкат Маҳмудов халқаро террористик ташкилотлар билан алоқада бўлиб, Ўзбекистонда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, мамлакатда Ислом давлати қуриш ва бунинг учун ҳукуматни жиҳод йўли билан эгаллашга ҳаракат қилган. У хориждан туриб кўрсатмалар олган ҳамда ўзи бошчилик қилаётган «Ислом жиҳодчилари» ташкилоти фаолияти чет элдаги манфур кучлар томонидан молиялаштириб турилган. Ўз жиноий гуруҳини ғўр, иймони суст, алданувчан, ёвузликка мойил кимсалар ҳисобидан кенгайтириш ва улардан манқуртлар тайёрлашни мақсад қилган Шавкат Маҳмудов четдан келаётган молиявий манбалар билан кифояланмасдан, юртдошларимиз орасидан ҳам ҳомийлар топишга ҳаракат қилган.

Суд залида кўрсатма берган Бахтиёр Нуриллаев ҳам унинг тузоғига илинган кимсалардан бири. У ўз корхоналари, ноқонуний савдо-сотиқ фаолиятидан тушган даромадларини терроризмни қўллаб-қувватлашга сарфлаган. Хусусан, Б.Нуриллаев жамоат ҳомийларидан бири сифатида Шавкат Маҳмудовга кўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва қурол-яроқ сотиб олиш учун 100 минг АҚШ доллари миқдорида пул берганлиги тергов жараёнларида аниқланган.

Ўйлаб қоласан киши: кўплаб бегуноҳ инсонлар қонини тўкиб, юртни вайрон қилиб "жиҳод қилиш фарз" деб ишонган кимса, наҳотки, шариатда одам ўлдириш гуноҳи кабира эканлигини билмаса? Боз устига, ислом аҳкомларини элга етказувчи дин пешволарига қурол кўтариш, уларни чавақлаб ташлашни нима деб аташ мумкин? Гарчи қонунларга чап бераман, деб ўйласа-да, халқ нафратичи? Ундан қаерга яшириниш мумкин?

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Бир жиноят устига юз жиноят қилишдан тап тортмаган бундай кимсаларга нисбатан эса шафқатга ҳам, мурувватга ҳам асло ўрин йўқ! Буни эса одил суд ҳал этади.

Фаррух ФУРҚАТОВ

Билиб қўйган яхши

Газетачилик тарихидан

Милоддан аввалги 59 йил. Юлий Цезарь буйруғига кўра фуқароларга муҳим сиёсий ва маҳаллий хабарларни етказиб туриш учун давлат томонидан репартёрлар (actuarii) тайинланади. Улар жанглар, туғилиш, ўлим, ҳукм ҳамда тўй ҳақида ахборот тўплаш билан шуғулланабошлайди.

713 йил. Хитойда "Mixed News" чиқа бошлади. Газета йил номи «Kaiyuan» деб аталди.

1040 йил. Хитойлик Пи Шенг саҳифа (блок)лар ёрдамида алмашиб ишлайдиган босма ускунани ихтиро қилди.

1392 йил. Кореяда мисдан ясалган чоп этиш ускунаси кашф қилинди.

1447 йил. Германиялик Йохан Гуттенберг биринчи марта босма нашрларни кўп нусхада чоп этадиган дастгоҳни кашф этди.

1501 йил. Рим Папаси Александр VI янгиликларни эълон қилишдан олдин, бидъат бошланиб кетмаслиги учун даставвал руҳонийлар кўригидан ўтказишни талаб қилди. Бўйсунмаганлар жарима ёки черковдан чиқариб юбориш жазосига тортиладиган бўлди. Бу илк цензура эди.

1556 йил. Венеция ҳукумати майда танга – "газетта" эвазига ойлик "Notizie scritte" газетасини тарқата бошлади.

1558 йил. Германиянинг Кёльн шаҳрида Майкл Энцингер 24 саҳифали журнал чоп этди. У немисларнинг испан армадаси устидан қозонган ғалабасига бағишланган эди.

1621 йил. Лондонда «Corante» номи остида илк газета доимий чоп этила бошланди.

1631 йил. Биринчи француз газетаси – "The Gazette" нашр этилди.

1645 йил. Швецияда ҳозиргача чоп этиб келинаётган оқсоқол газета – "Post-och Inrikes Tidningar"нинг биринчи сони муштарийлар қўлига бориб етди.

1690 йил. Бостонда Американинг илк газетаси – «Publick Occurrences» нашрдан чиқди.

1704 йил. «Робинзон Крузо» асари муаллифи, дунёнинг биринчи журналистларидан бири ҳисобланган Даниэль Дефо Европа янгиликлари ҳақида хабар қилувчи «Review» номли даврий газетани чоп эта бошлади.

1798 йил. Алоиз Зенефельдер литографияни кашф этди. Офсет усулидаги литография эса 1960 йилларда оммалашди.

1803 йил. Австралия ҳарбий ҳукумати илк газеталар — «Sydney Gazette» ва «New South Wales Advertiser»ни чоп этди.

1812 йил. Фридриз Кёниг буғ кучи билан ишлайдиган цилиндрли босма ускунани ихтиро қилди. 1814 йил 28 ноябрь тунида Лондонда чоп этиладиган «Times» газетаси нашири Жон Уолтер қўлда чоп этувчиларни уйига жўнатиб юбориб, Кёнигнинг чоп этувчи янги машинасида 1100 нусхали «Times»ни бир соат ичида босиб чиқаради.

1844 йил. Телеграф кашф қилинди.

1851 йил. «Reuters» ахборот агентлиги ташкил топди.

1870 йил. Чарльз Стюарт Парнелл «Freemans Journal»да Ирландия миллий партияси манфаати учун илк бор рекламадан фойдаланди.

1880 йил. Газеталарда илк фотосуратлар пайдо бўла бошлади.

1903 йил. Альфред Хармсворт Лондонда биринчи таблоид — «Daily Mirror»га асос солди. 1905 йили унда биринчи марта Англиянинг Ҳиндистондаги нойби Лорд Минто билан ўтказилган эксклюзив интервью чоп этилди.

1906 йил. 27 июнь. Ўзбекистонда илк миллий газета «Тараққий» дунё юзини кўрди.

1966 йил. «Асалари» тахаллуси билан машҳур бўлган ҳиндистонлик Бехрами «Evening News» газетасида "Round and about" номли рукн остида сатирик материаллар эълон қила бошлади. Бу рукн 2001 йилгача яшади. Газеталар тарихида ҳеч қайси рукн бунчалик узоқ вақт давомли бўлмаган.

1994 йил. Интернетда биринчи "мустақил онлайн" — кундалик газета ўз фаолиятини бошлади.

Давронбек ОРИПОВ тайёрлади


"Айтишларича ҳар бир инсоннинг ҳаёти ёпиқ китобга ўхшар экан. Шундай бўлиши мумкин. Аммо, у ҳамиша очиқ газета ҳамдир".

Финдей ПЕТР ДАНН, 1902 й.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

АФҒОНИСТОНДА ИЛК РОК-ФЕСТИВАЛЬ



Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида сўнгги 30 йил мобайнида биринчи марта рок-фестиваль бўлиб ўтди. 6 соат давомида блюз, деф-металл, панк-рок шунингдек, индо-мьюзик услубидаги композициялар намойиш қилинди. Концерт икки марта маҳаллий аҳолининг ибодат қилиб олиши учун тўхтатилди.

"Боғи Бобур" хиёбонида ўтказилган мазкур мусиқа байрамини томоша қилиш учун ҳатто мамлакатнинг чекка ҳудудларидан минглаб кишилар келишди. Уларнинг аксариятини ёш йигит-қизлар ташкил этди. Афғон халқи учун кутилмаган бу тадбир ёши улуғ кишиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Фестивални ўтказишда қатъий хавфсизлик чораларига амал қилинди.

Афғонистонда "Толибон" ҳаракати ҳукмронлиги даврида замонавий мусиқани тарғиб қилиш қатъиян ман этилган эди.

ЯСАМА ҚАНОТЛИ КАПАЛАК



Екатеринбургда тропик капалакка қанот қўйиш бўйича тиббий "операция" амалга оширилди. Бу вазифани Урал федераль университети биология факультетининг 4-курс талабаси Николай Соколовский бажарди. Ҳашарот ҳозир тирик ва протез қаноти ёрдамида қийинчиликсиз учиб юрибди.

— Бир қанотидан айрилиб қолган капалакнинг учиши у ёқда турсин, яшаб кетишига ҳам умид йўқ эди, — дейди Н.Соколовский. — Капалакни қутқариш учун қанотни кўчириш бўйича жарроҳликни бажаришга қарор қилдим ва у муваффақиятли якунланди.

Айтиш керакки, бўлажак биолог жарроҳликнинг жуда осон йўлини топди. У қуритилган капалаклар тўпламидан ўхшаш қанотни олиб, ҳашарот қанотининг қолдиғига клей ёрдамида елимлаб қўйди.

ОЗ ЭМАС, КЎП ЭМАС, 12 ТА ЭГИЗАК!




Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, тунислик аёл 12 нафар эгизак фарзанд кутмоқда. Шифокорлар туғилажак эгизакларнинг барчасини асраб қолишнинг деярли иложи йўқлигини айтишмоқда. Қолаверса, болалар туғилгач, уларнинг соғлиғи билан боғлиқ жиддий муаммолар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай бўлажак она ҳомилаларини ўз ҳолича ривожланишига имкон бермоқчи.

Маълум бўлишича, бўлғуси она узоқ вақт давомида ҳомиладор бўлолмаган, кейинчалик эса, унинг бир неча фарзанди дунёга келмасдан ҳалок бўлган. Шундан сўнг аёл турмуш ўртоғи билан келишиб, сунъий уруғланиш йўли билан ҳомила орттиришга қарор қилган эди.

Агар эгизакларнинг дунёга келишида ҳеч қандай муаммо пайдо бўлмаса, тунислик аёл янги жаҳон рекордини ўрнатади. Ҳозирча бу борадаги рекорд 8 фарзандни соғлом дунёга келтирган америкалик Наде Сулеманга тегишли.

ФУКУСИМА ПРЕФЕКТУРАСИГА ЁРДАМ



Япония ҳукумати шу йил баҳорда бўлиб ўтган табиий офатдан азият кўрганларга ёрдам тариқасида ҳамда Фукусима префектурасини тиклаш мақсадида қўшимча 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратмоқчи. Табиий офатдан сўнг қайта қуриш бўйича бош вазир Тацуо Хирано бу ҳақда префектура губернатори билан бўлиб ўтган расмий учрашувда айтиб ўтди.


Яқин кунларда молиявий ёрдам масаласини ҳал қилиш учун ҳукумат парламенти бюджетдаги ўзгаришларни кўриб чиқади. Япония ҳукумати, шунингдек, "Фукусима-1" атом электр станцияси атрофида эвакуация қилинган ҳудудлар қисқартирилганини эълон қилди. Энди фалокат чоғида уйини тарк этишга мажбур бўлган аксарият фуқаролар тураржойларига қайтишлари мумкин. Аммо ушбу ҳудуд 20 километр радиусда ёпиқлигича қолади.

Дунё матбуоти саҳифаларида

«Rebelion», Испания

ҚУРОЛ-ЯРОҚ БОЗОРИ ҚИЗИМОҚДА

АҚШ Конгрессининг тадқиқот хизмати маърузасида келтирилган маълумотига кўра, ўтган йили қурол-яроқ сотишдан олинган 21,3 миллиард доллар фойда эвазига қўшма штатлар жаҳон бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаб олди. Ушбу қиймат 2009 йилги 35 фоиздан 53 фоизга ўсган. Бу ҳақда «Rebelion» газетасида мақола чоп этилди.



Мақолада қайд этилишича, АҚШ 2010 йили 12 миллиард доллар қийматида қурол-аслаҳа сотган ва биринчи ўринни эгаллаган. Бу бутун дунёдаги қурол-яроқ савдосининг учдан бир қисмини ташкил этади. Умуман олганда, АҚШ саккиз йилдан бери қурол-яроқ сотувчи мамлакат сифатида дунёда етакчилик қилмоқда.

2010 йил харидорлари ҳам ўтган йиллардагидек ривожланаётган давлатлардир. Ўтган йили улар орасида 6 миллард долларлик шартнома билан Ҳиндистон биринчи ўринга кўтарилиб олган. Кейинги ўринларни эса Тайвань (2,7 миллард доллар) ва Саудия Арабистони (2,2 миллиард доллар) банд қилган.

2003-2010 йиллар давомида Саудия Арабистони қурол-яроқ сотиб олиш учун 29 миллиард доллар маблағ сарфлаган ва шу давр мобайнида у АҚШнинг энг йирик харидори бўлиб келган. Навбатда эса Ҳиндистон (17 миллиард доллар), Хитой (13,2 миллиард доллар), Миср (12,1 миллиард) ва Исроил (10,3 миллиард доллар) давлатлари турибди.


Ривожланаётган давлатларнинг қуролланишида 2010 йили АҚШнинг улуши 49 фоиз бўлган. АҚШдан кейинги улуш Россияга тегишли. У мамлакатлар қуролланиш пойгасида ўзининг 25 фоизлик ҳиссаси билан етакчилар қаторидан жой олган. Бу рўйхат эса Италия, Франция ва Буюк Британия каби давлатлар номи билан давом этади. 2010 йили қурол-аслаҳа бозорида уларнинг улуши 2009 йил билан солиштирганда 24 фоиздан 13 фоизга тушган.

Мақолада таъкидланишича, таъминотчилар янги мижозларни жалб қилиш йўлида тинимсиз изланишда давом этмоқда. Тўловлар, келишувларнинг янги шакллари ишлаб чиқилмоқда.

«Зеркало.az», Озарбайжон

ЗИДДИЯТ АВЖ ОЛМОҚДА

Европа Иттифоқи Россия орқали етказиб бериладиган Озарбайжон ва Туркманистон газини қўлга киритишнинг уддасидан чиқолмаяпти. Шу боис, ЕИ Россияга энергия таъминоти юзасидан тобе бўлиб қолиш эҳтимоли кучаймоқда.



Энергетика масалалари бўйича Еврокомиссар Гюнтер Оттингер бугунги кунда Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар ҳар йили 500 миллиард кубометр газ истеъмол қилиши ва бу кўрсаткич 600 миллиард кубометрга ортиши башорат қилинаётгани ҳақида маълумот берди. Оттингер Украина Энергетика ва кўмир саноати вазири Юрий Бойко билан Киевда бўлиб ўтган матбуот анжуманида юқорида айтилган 500 миллиард кубометр газнинг Россия улушига тўғри келишини таъкидлади. Бунинг 80 фоизи Украина газ транспорт тизими орқали етказиб берилиши ҳақида айтиб ўтар экан, агарда ЕИга кирувчи давлатларнинг газга бўлган эҳтиёжи 100 миллиард кубометрга ортадиган бўлса, Украина газ транспорт тизимини модернизация қилиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Россия энергетикасига тобеликдан қутулиш илинжида Европа Иттифоқи «Газпром» билан анчагина қалтис ўйин бошлади. Аниқроғи, ЕИнинг монополияга қарши курашиш ташкилоти компания офисларида текшириш ишларини олиб борди. Дастлаб компаниянинг Германия ва Чехиядаги офислари иши кўриб чиқилди. Сўнгра Болгария, Австрия ва Эстония каби давлатларда жойлашган, газ сотиш бўйича йирик офислардан ҳисобланган компания филиаллари фаолияти текширилди. ЕИнинг бу ҳаракати зиддиятларнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Эслатиб ўтамиз, «Газпром» Европага етказиб бериладиган газнинг 30 фоизини экспорт қилади. Ва истеъмолчилар билан газ нархи бўйича доимий зиддиятларга дуч келади.

Интернет хабарлари асосида
Отабек ОТАЁРОВ,
Улуғбек АСРОРОВ *тайёрлади*

Молия муассасаларида

Ишончли таянч, самарали ҳамкор

AGROBANK

Бугун юртимизда тадбиркорлик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Боиси, ишбилармонлик ортида аҳоли фаровонлиги ва халқ дастурхонининг тўкинлиги, иқтисодиётнинг юксалиши каби муҳим жиҳатлар мавжуд. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларига иқтисодий тиргак бўлишда молия муассасаларининг беқиёс ўрни борлигини эътироф этиш жоиз.

Президентимиз жорий йилнинг бошида, аниқроғи, 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида банк муассасалари олдида турган қатор муҳим вазифаларни белгилаб берганди. Бу дастурий вазифалар республикамиз банкларининг янада ривожланиши ва мижозларга сифатли хизматлар кўрсатишида намоён бўлмоқда.

Юртимиздаги энг йирик молия муассасаларидан бири — «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам асосий эътиборини инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Хусусан, банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навони пасайтириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида аниқ белгиланган дастур асосида фаолият олиб бораяпти.

Бугунги кунда банк ўзининг 13 та шаҳар ва туман филиали, 20 та махсус, 17 та сайёр кассаси, 25 та минибанки орқали 14 мингдан ортиқ юридик ҳамда жисмоний шахсларга (шундан 9047 таси фермер, деҳқон хўжаликлари) халқаро андозаларга мос, сифатли, тезкор банк хизматларини кўрсатмоқда.

Жорий йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ хусусий тадбиркорлик



субъектларига озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар, сервис соҳасини кенгайтириш, касаначиликни ташкил этиш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 29 миллиард 700 миллион сўмлик кредит ва 5 миллиард 400 миллион сўмлик микросармоялар ажратилиши режалаштирилган эди. Жорий йилнинг ўтган даври давомида 1096 та тадбиркорлик субъектига 17 миллиард 100 миллион сўмлик кредитлар берилди. Ушбу маблағлар эвазига 1960 та янги иш ўрни яратилгани диққатга сазовор. Бундан банк ҳам, мижозлар ҳам бирдек манфаатдор бўлаётир. Жумладан, «Оригинал Металлист» масъулияти чекланган жамиятига иссиқхона қуриш учун 50 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу, ўз навбатида, жамиятга сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконини берди. Ҳозирги кунда бир гектар ер майдонига иссиқхона қурилди ва ёзги мавсумда 80 тонна помидор етиштиришга муваффақ бўлинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 6 миллиард 200 миллион сўмлик, «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 3 миллиард 400 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

— Банкдан 30 миллион сўм кредит олгандик, — дейди Чиноз туманидаги «Омаров Тулеген» фермер хўжалиги раиси Тамара Умарова. — Бу маблағ эвазига йилига 34 тонна помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар етиштириш имкониятига эга бўлган иссиқхона ташкил этдик. Айни пайтда унда 4 киши иш билан машғул.

— Молия муассасасининг 9 миллион сўмлик сармояси ёрдамида новвойхона қургандик, — дейди Қуйичирчиқ туманидаги «Элдорхўжа нон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Комил Эргашев. — Ютуқлар чакки эмас. Ҳозир бу ерда тўрт киши иш билан таъминланиб, улар томонидан қолипли нон ишлаб чиқарилаяпти.

Вилоятда гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорва моллари бош сони ҳамда маҳсулдорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳам банкнинг диққат марказидаги масалалардан ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳага 3 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, ҳудудларда иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, асаларичилик ҳамда балиқчилик соҳаларини ривожлантиришга 2 миллиард 200 миллион сўм миқдоридаги кредитлар йўналтирилгани ҳам қувонарли ҳол.

— Ҳозирги кунда паррандачиликка ихтисослашган фермамизда 5 мингта товуқ ва 2 минг 500 та жўжа парвариш қилиняпти, — дейди Янгийўл туманидаги «Темур агро барака» деҳқон хўжалиги раҳбари Наталья Султонова. — Ишни йўлга қўйиб, паррандачиликни ривожлантиришимизда, товуқ ва жўжа қафаслари, ветеринария дори воситалари ҳамда ем маҳсулотларини сотиб олишимизда банкнинг бизга берган 50 миллион сўмлик молиявий кўмаги ўз вақтида кўрсатилган ёрдам бўлди.

«Роҳат парранда агро» масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг доимий мижозлари сирасига киради. Жамият молия муассасасининг Янгибозор филиалидан товуқ фермаси бунёд этиш учун 100 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит олганди. Ҳозир товуқхонада қурилиш ишлари якунланиб, 6 мингта товуққа мўлжалланган катаклар қурилди. 12 та вентилятор ва қишда товуқхона ҳароратини бир меъёрда сақлаш учун 2 та МОП иситгичи ўрнатилди ҳамда унда 4 мингта товуқ боқилмоқда. Суткасига 2400 дона тухум олиниб, аҳолига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

«Агробанк» ОАТБнинг вилоят бошқармаси томонидан тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 2 миллиард 200 миллион сўм, ёш оилаларга 349 миллион 200 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шу билан бир қаторда, вилоятда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантиришга 1,3 миллиард сўмлик кредит йўналтирилди. Бундан ташқари аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нарх-навони бир маромда ушлаб туришга қаратилган умумий миқдори 2 миллиард 700 миллион сўмлик 16 та лойиҳа молиялаштирилди.

Шубҳа йўққи, «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» шиори остида халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришга бундан кейин ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири ®

"АГРОБАНК" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

юридик шахслар учун мўлжалланган номинал қиймати 1 000 000 сўмлик, муомала муддати 12, 24 ҳамда 36 ойлик депозит сертификатларини таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан озод этилади.

Сиз ушбу депозит сертификатларини Агробанкнинг исталган филиалидан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 150-53-66, 150-85-12.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

НИГОҲ

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ҲАҚИНИ ТАНИЙДИ

РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБОТИ

уни такомиллаштириш тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

(Бошланиши 1-бетда.)

Жумладан, 2000 йилда "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун, 2005 йил 14 июнда Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2005 йил 21 сентябрда "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги, 2006 йил 24 майда "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек 2003 йил 20 августда "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ҳукумат қарори қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" юртимизда тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Президент томонидан тақдим этилган мазкур Концепциядаги асосий йўналишлар янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботига доир амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади. Хусусан, рухсатнома тизимидаги ягона норматив-ҳуқуқий базани яратиш; ваколатли давлат органларида рухсатнома бериш тартиби ва шартларини унификация қилиш; тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсатномалар бериш тартиботининг қатъий чекланган турлари ва рўйхатини аниқ қилиб белгилаш; ортиқча рухсатномаларни қисқартириш; қонунда назарда тутилмаган рухсат ва рухсатномалар бериш тартиботининг янги турларини жорий этишни қонуний тақиқлаш; ўрнатилган тартиб ва муддатларга қатъий амал қилиш бўйича давлат органлари талабларини ҳамда рухсатномалар бериш механизмини енгиллаштириш; рухсатномалар беришни рад этиш, уларни тўхтатиб туриш ва тугатиш учун асосларнинг тўлиқ рўйхатини белгилаш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Шу муносабат билан Концепцияда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати кўзда тутилди.

Маълумки, жаҳон тажрибасида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича турли хил механизмлар қўлланилади. Айниқса, "бир дарча" тамойилидан кенг фойдаланилади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, бир давлат органидан рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни олиш учун бошқа бир давлат органи томонидан бериладиган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатни тақдим этиш ёки у билан келишиш зарур бўлган ҳолларда, тадбиркорлик субъектлари ёки фуқаролар битта давлат органига мурожаат қилади. Мазкур давлат органи эса ўзи мустақил равишда бошқа органдан рухсатнома хусусиятига эга бўлган зарур ҳужжатларни олади ёки у билан келишишни амалга оширади. Бизда ҳам 2001 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимида "бир дарча" тамойили кенг қўлланилиб, уларни бир вақтнинг ўзида солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйилиши таъминланмоқда. 2003 йилдан бошлаб эса ушбу механизм такомиллаштирилиб, бизнесни юритишда зарур бўлган айрим ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳам (жумладан, муҳандислик коммуникацияларига уланишнинг техник шартларини белгиланган тартибда расмийлаштириш) бир вақтда амалга ошириш жорий қилинди.

2006 йилда тақдим қилинган ҳужжатлар асосида давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини тезлаштиришни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий қилинди. Шунга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати икки иш кунигача қисқартирилди.

Концепция қоидаларининг мантиқий давоми сифатида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти кўламини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 25 август куни "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2011 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бир қатор соҳаларда 50 та рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар бекор қилинди. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларининг янги турларини жорий этиш тақиқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шу жумладан, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни бериш "бир дарча" тамойили бўйича амалга оширилиши белгиланди. Қолаверса, ҳозирги пайтда мазкур қарор асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пухта хатловдан ўтказилиб, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир замонавий шарт-шароит ва талабларга жавоб бермайдиган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклайдиган бошқа бир қатор рухсат бериш тартибларини бекор қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича ҳам бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 12 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра, интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш амалиёти жорий этилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатнома характерига эга бўлган бошқа ҳужжатларни бериш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларида рухсатнома характерига эга бўлган ҳужжатларни олиш учун тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларни электрон алоқа орқали етказишлари мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шубҳасиз, ушбу чора-тадбирлар, айниқса, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий харажатларнинг сезиларли камайишига, бюрократик тўсиқларнинг кескин қисқаришига, рухсат берувчи нормаларнинг оптималлаштирилишига, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ошкоралик ва очиқ-ойдинликни таъминлашга, ва албатта, Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Есемурат КАНЬЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

Кимга, қаерга мурожаат қилайлик?

Яқинда бошимизга оғир мусибат тушди. Куёвим бевақт оламдан ўтди. Қизимнинг икки нафар фарзанди бўлиб, отасидан қолган меросни расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилдик. Аммо улар марҳумнинг рўйхатда турган жойига мурожаат қилишимизни айтишди. Тақдир тақозосига кўра, куёвим ҳаётлигида биз билан яшаса-да, бошқа вилоятда рўйхатда турарди. Шу боис, меросга доир ҳужжатларни ўша вилоятдаги нотариал идорага тақдим қилсак, улар мерос мавжуд бўлган жойдаги нотариал идорада расмийлаштирилиши лозим, дейишяпти. Хуллас, ҳозир қайга мурожаат этишимизни билмай сарсонмиз. Бу муаммони қандай ҳал этса бўлади?

Р.Солиҳов
Тошкент шаҳри

Фуқаролик кодексининг 1117-моддасида белгиланишича, мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади.

Сиз агарда марҳум куёвингизнинг доимий рўйхатда турган жойи, дейлик, Тошкент вилоятида бўлса ўша вилоятдаги нотариал идораларга ёки охирги яшаш жойи ва доимий рўйхати Тошкент шаҳрида бўлса, меросга оид ҳужжатлар билан фуқаролик ишлари бўйича туман суди ва нотариал идораларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволга Миробод тумани ДНИ нотариуси **Каромат МАРАҲИМОВА** жавоб берди

Вояга етмаганман, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эдим...

Мен ҳали вояга етмаганман. Аммо тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятим бор. Мен билан битим тузишни исташмаяпти. Айтингчи, бундай муомалага қачон тайёр бўламан?

Шерзод Турдиев
Қибрай тумани

Дарҳақиқат, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (Фуқаролик кодексининг 29-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно).

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан Фуқаролик кодексининг 27-моддасига мувофиқ унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда, уларнинг розилигисиз тузилган битим ота-онаси, фарзандликка олувчиларни ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас, деб топилса, Фуқаролик кодекси 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бу қоидалар ушбу кодекс 22-моддасининг иккинчи қисми ва 28-моддасида назарда тутилган ҳолларда тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлар учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Саволга Мирзо Улуғбек тумани давлат нотариал идораси нотариуслари **Рустам НОРОВ** *ва* **Комила ЗУФАРОВА** *жавоб берди*

Яқин қариндоши ва педагог иштирокида

Неча ёшдан бошлаб фуқаро гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин? Вояга етмаганларни гувоҳ қаторида сўроқ қилиш қай тартибда олиб борилади?

М.Ашрапова
Чиноз тумани

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 65-моддасига мувофиқ, жиноят иши бўйича аниқланиши керак бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс, ёшидан қатъи назар, гувоҳ сифатида кўрсатма бериш учун чақирилиши мумкин.

Кодекснинг 121-моддасига кўра, ўн олти ёшгача бўлган гувоҳни сўроқ қилиш унинг яқин қариндоши ва педагог иштирокида, уларнинг розилиги билан ўтказилади. Шунингдек, ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар гувоҳлик беришдан бош тортганлик ва билиб туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

Шу билан бирга, амалиётда ҳақиқатни аниқлаш учун ёш болаларни ҳам шифокор-педиатрлар иштирокида сўроқ қилиб, бу ҳақда далолатнома тузилиши мумкин.

Саволга Ҳамза туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси **Солмаз ГАФАРОВА** жавоб берди

Энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида

Одатдаги иш кунларининг бири. Идорамизга Маҳмуд исмли танишим кириб келди. У яқинда автосалондан янги "Спарк" машинасини сотиб олган экан. Тадбиркор укасининг бизнесини ривожлантириш учун банкдан кредит олиши кераклигини, ўша машинасини гаровга қўймоқчилигини, лекин расмий диллерлардан сотилган кунидан бошлаб бир йил ўтмаган машиналар билан боғлиқ битимлар жуда қимматлашиб кетганлигини айтиб, ёрдам сўради...

Кундалик ҳаётимизда бошқа шахслар билан шартнома (масалан, олди-сотди, қарз шартномаси) муносабатларига киришар эканмиз, албатта, ўртада бажарилиши лозим бўлган мажбурият юзага келади. Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори моҳиятини кўпчилик яхши билмай туриб, кўчакўйдан эшитган гапларга ишониб юради. Маҳмуд ҳам шу кўйга тушган. Бу кўзланган қарордан асосий мақсад мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомототранспорт воситаларининг иккиламчи бозорда сотилишини тартибга солиш, яъни расмий диллерлардан янги сотиб олинган автомобиллар баҳосининг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишдан иборатдир.

Қарор иловасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 мартдаги "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги қарорининг 4-бандига ўзгартишлар киритилиб, "К прим" кичик банди билан тўлдирилди. Унга мувофиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий диллерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган битимлар нотариал тасдиқлангани учун давлат божи ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ундирилиши белгиланди. Автомобилларни ўзаро алмаштириш шартномаларини расмийлаштиришда эса давлат божи шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундириладиган бўлди. 2007 йил 1 апрелга қадар харид қилинган енгил автотранспорт воситаларига нисбатан ушбу қарор талаби бўйича Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҲХБлари ҳузуридаги рўйхатлаш-имтиҳон бўлимлари (РИБ ва ТРИБ) томонидан автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (техник паспорти)да мажбурий тартибда ишлаб чиқарувчининг расмий диллерларидан у харид қилинган сана — йил, кун, ой ва неча от кучига эга эканлиги ҳамда русуми тўғрисидаги маълумотларни аниқ ва тўлиқ кўрсатиш уқтирилган. Акс ҳолда — нотариусга тақдим этилган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасида юқоридаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса, улар ИИБ ЙҲХБлари ҳузуридаги рўйхатлаш-имтиҳон бўлимларига тўлдириш учун қайтарилади.

Юсуф ЖУМАҚУЛОВ,
Когон шаҳридаги 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Болага исм танлашда жиддий ўйлаб, анъаналарга ҳурмат руҳида ёндашиш зарур.Таомилга кўра боланинг исм-шарифини расмий ҳужжатлар (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ва бошқалар)да тўғри ёздириш талаб этилади. Шу билан бирга, исмларни тўғри талаффуз қилиш, ўринсиз равишда бузмаслик ҳам мақсадга мувофиқдир.

Исм — ўзлигимиз ифодаси

Собиқ шўро даврида ўзбек тилига ўзга тиллардан оддий сўзлардан ташқари кўплаб исмлар ҳам кириб келди. Натижада ўзбек исмлари орасида Венера, Бернора, Зоя, Мая, Марат, Клара, Артур каби номлар пайдо бўлди. Халқимизнинг фамилия ва ота исмларини миллий шаклларда ёздириш истаги истиқлолга қадар расмий жиҳатдан инкор қилиб келинарди. Мустақиллик мана шу адолатсиз тўсиқларни бартараф этди. Кишиларга фамилия ва ота исмини, уларнинг шаклини эркин танлаш ҳуқуқини берди. Ҳозир кўплаб юртдошларимиз ўз исм-шарифларини миллийлигимиз асосида ёзиб беришни илтимос қилиб, ФҲДЁ ва паспорт бўлимларига мурожаат қилишмоқда.

Яна бир ҳолат ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Гап шундаки, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларда, паспорт ва бошқа расмий ҳужжатларда анъанавий шаклларда расмийлашган ёки хато ёзилган исм-шарифлар анчагина. Ҳозир бундай ҳужжатларнинг эгалари мазкур нуқсонларни тузатиш ташвишига тушишган. Демак, фуқароларнинг исми, ота исми, фамилияларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда уларнинг бу масалага оид истаклари, талабларига эътиборли бўлиш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри иш тутиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Санам ХУДОЙҚУЛОВА,
Қамаши туман ФҲДЁ бўлими инспектори

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа www.minjust.uz веб-сайтининг «Қонунчилик» бўлими, «Қонун ҳужжатлари лойиҳалари» саҳифасида келтирилган.

Лойиҳа бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни www.minjust.uz веб-сайти орқали ёки Адлия вазирлигига ёзма равишда билдиришингизни сўраймиз.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада эркинлигини таъминлашда Сиз томонингиздан билдирилади-ган таклифлар албатта кўриб чиқилади.

Мурожаат учун:
Манзил: Тошкент, 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 5
Телефон: (+99871) 236-28-54
Факс: (+99871) 236-05-09
E-mail: info@minjust.gov.uz



ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг фидойи ўқитувчи ва мураббийларини умумхалқ тантанаси — касб байрами билан қизғин табриклайди. Уларга эзгу ишларида катта ютуқлар, ҳаётида улкан бахт ва омад тилайди.

МАЪНАВИЯТ

Мумтоз қўшиқ намояндалари

У ҚЎШИҚ СЕҲРГАРИ ЭДИ

Қўшиқчи ё ҳофизнинг истеъдоди, бор маҳорати овозида намоён бўлади. Овоз Оллоҳ томонидан бериладиган буюк неъматдир. Халқимиз севган машҳур ҳофиз Отажон Худойшукуров ана шундай сеҳрли ва жозибали овоз соҳиби эди. Амудай ўктам, сеҳрли, жўшқин, сафоли эди унинг овози...



Отажон Худойшукуров нафақат лирик қўшиқчи, балки, мумтоз ашулалар, мақомлар ва сувораларни юксак маҳорат билан куйлаб, ўзининг ижро мактабини ярата олган улкан ҳофиз ҳам эди. Хоразм ижрочилик санъатида "Сувора", "Чапандози сувора"дан ташқари "Сувораи дугоҳ Ҳусайний" номли қисми ҳам бор. Бу ашулаларни фақат катта ва ноёб овоз соҳибларигина ижро этолган.

Ҳофиз ҳар қандай қўшиқни қийналмасдан, ўзига хос салобат ва саховатли қалб билан ижро этарди. У қўшиқ айтганида тингловчини ром этадиган оҳанрабоси бор эди. Куй-қўшиққа ташна юрак ҳофиз овозининг сеҳридан баҳра оларди.

У қўшиқ сеҳргари эди.

Отажон оғанинг қалбида қўшиқ вулқони бор эди. Бу вулқон қўзғалса, қайнаб-тошарди, яйраб-яйраб жўшарди. Амудай қирғоқларига сиғмасди.

Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёқубов ҳикоясидан:

— Отажон қўшиқ оламига ёниб кириб, ёниб ўтди. Ҳеч қачон тутамади. У доим янгилик излади, янгилик қилишга интилди. Унинг муваффақияти шундаки, ўз ижодига танқидий қарарди. Бирор ашулани меъёрига етказиб ижро этганда ҳам ғурурланиб кетмасди. Мақтовларга учмасди, ўзининг даражасини биларди. Ҳар қандай шеърни куйга солавермасди. Сўзга жиддий эътибор берарди. Сози овозига мос эди. Бу камдан-кам санъаткорга насиб этадиган бахт. Ҳатто қардош халқлар қўшиғини ҳам ижро услубига мослаштириб, Отажон бўлиб куйларди. Уни ҳеч ким билан алмаштириб ёки бировнинг ўрнига қўйиб бўлмайди. У инсон сифатида ҳам мард эди. Курашга тушишни яхши кўрарди, раҳматлик. Баъзан тўйларда торини қўйиб, полвонлар билан баб-баровар беллашарди...

Айтишларича, шогирдлари унинг дастурида 300 дан зиёд қўшиқ борлигини ҳисоблаган экан. Асосан ўзбек, қорақалпоқ, туркман халқ қўшиқлари, достонлари ва мақом ашулалари ҳофиз репертуарининг ўзагини ташкил этган. Отажон Худойшукуров миллий қўшиқчилик санъатига қўшган улкан ҳиссаси ва уни дунё саҳналаридаги катта тарғиботи учун Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Татаристон халқ артисти унвонларига сазовор бўлган. Республика Давлат мукофоти билан тақдирланган.

У мустақил Ватанга фидо бўлиб хизмат қиладиган салоҳиятга эга эди. Афсуски, оғир хасталик ҳофизни созидан, сўнгра ёру биродарлари, дўсту қариндошлари, мухлислари юрагидан юлиб кетди. Қадим Тўрткўл тупроғи етим бўтадек бўзлади, булбулу тўрғайлар уни эслаб, зор-зор чарх урди. Жайхун нола қилиб қолаверди. Улкан чинорлар, қадим гужумлар унсиз фарёд чекди. Энди бу айрилиқ жароҳатларига фақат қўшиқ малҳам бўлади, уни кумсаган юракларга фақат қўшиқлари таскин беради...

Буюк ҳофизнинг умри ана шу ўлмас ва боқий қўшиқларда давом этаётир.

Отажон Худойшукуров ҳаёт ва ижод йўли улкан Жайхун дарёси билан боғланиб кетган. Жайхун унинг туғишган жигаргўшасидай яқин ва қадрдон эди.

У азим Жайхунни муқаддас Ватан каби севарди. Бутун вужуди, борлиғи, орзу-армонлари, дардли дили билан севарди. Оллоҳ берган ўтли овози, нола тўла сози билан севарди. Тори пардаларини Жайхун тўқинларининг сасига мосларди. Бирор олис сафарга отланса тамом, Жайхун ортидан онаси каби мўлтираб қолгандай туюларди. Соғинч тўла юрагида Жайхун ҳақидаги қўшиқ қайнаб-тошиб келаверарди:

Қайда юрсам соғинтирар,
Она юртим томонлари,
Хаёлимда саҳар-саҳар,
Эсар Жайхун шамоллари...

Соғинч шамоллари юрагига тегиши билан ич-ичидан, томир-томиридан яйраб кетарди. Ҳофиз учун ёруғ оламда бу хушбўй, хушҳаво шамоллардан бўлак лаззат, ҳузур-ҳаловат йўқ эди. Шамолларнинг майин эпкини ҳам унга ғайрат ва куч-қудрат бағишларди, жўшқин илҳом берарди. "Сувора"ни, "Сегоҳ"ни, "Чоргоҳ"ни торда чертиши билан кўз олдига оҳиста-оҳиста чайқалиб оқаётган Жайхун келаверарди. Дардли ва дилбар овозида Жайхун шамолларининг шиддати, сеҳри ва таровати бор эди:

Умр қисқа, манзил узоқ,
Йиллар биздан кетар йироқ,
Мангу қўшиқ каби гувлаб
Эсар Жайхун шамоллари...

У бутун умри давомида Жайхун билан сирлашди, дарё дилини Жайхунга очди. Унинг беозор, майин, ҳокисор шамолларига сўйлади, шамолларга қўшилиб куйлади. Шу боис ҳофизнинг ўктам ва жарангдор овози олис-олисларга кетди, олис-олис ўлкалардаги қўшиқсеварлар қалбларига ҳам ҳаловат бағишлади. Уларни титроққа солди. Бу қайтарилмас, шиддаткор овоз қанот боғлаб, тўлқинлар кафтида ҳамон учмоқда.

Ҳа, у Жайхунни шундай гўзал ва бетакрор муҳаббат билан куйларди. Ҳатто узоқ йиллар бадиий раҳбарлик қилган ансамблнинг "Аму тўлқини" деб номланишида ҳам ҳикмат бор. Отажон оға куйлаётганида ўзини, борлиғини қўшиққа фидо қиларди. У даврада битта шинаванда бўлса ҳам қўлига торини оларди. Тингловчини алдамасди. "Мен қўшиққа хиёнат қилолмайман", дерди.

Қўшиқ дарёсига айланиш ҳар қандай улкан санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Лекин камтарин ҳофиз бир суҳбатда: "Асл дарё Комилжон устоз, бизлар ирмоқларимиз", деган эди.

"Умр қисқа манзил узоқ..."


У билиб куйлаган экан. Ҳақиқатан ҳофизнинг умри қисқа бўлди, лекин у куйлаб кетган қўшиқларининг манзили узоқ ва олис...

Ашурали ЖЎРАЕВ



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЛИҚҚАЛЪА ТУМАНИДАГИ "АҚЧАКЎЛ" ОВУЛ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ЖАМОАСИ

азиз муаллимларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимизда кенг нишонланган Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан чин дилдан табриклайди. Бахт-саодат, ширин ва фаровон турмуш, соғлик барчамизга ҳамроҳ бўлсин!



Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой академик лицейи жамоаси

Ўқитувчи ва мураббийлар байрами билан жами юртдошларимизни самимий қутлайди.

Барчага эзгулик, маърифат, маънавият йўлидаги ишларида катта муваффақиятлар тилайди.



Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси

Ўқитувчи ва мураббийлар байрами билан барча зиёкорлар ҳамда ватандошларимизни самимий муборакбод этади. Энг аввало, уларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, аъло кайфият доимий ҳамроҳи бўлишини тилайди!



Урганч шаҳридаги «Биоўғит» МЧЖ кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси

Ўзбекистонимизнинг мунаввар келажагига муносиб авлодни тарбиялаётган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлайди.



Азиз устозларга ҳамиша бардамлик, хуш кайфият ва омад йўлдош бўлсин. Орзу-ниятларингиз рўёбга чиқаверсин!

Корхонамиз ер малҳами бўлган микробиологик препарат — биологик азотли ўғит ишлаб чиқаряпти. Марҳамат, маҳсулотларимизни харид қилинг. Телефонларимиз: 8362-2269862, +99862-513-20-98


МАДАНИЯТ

Бугунги ёшлар

Иқтидор қаноти

"Келажак овози" танловининг вилоят босқичида севимли шоирамиз Зулфияхоним сурати туширилган нодир кулолчилик асари эътиборимни тортди. Унинг муаллифи Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-сон академик лицейнинг учинчи босқич ўқувчиси Дилноза асли Жиззах туманининг "Қурама" қишлоғида туғилиб ўсган.

Республика Бадиий академияси аъзоси, Бухоро кулолчилик мактаби мураббийси Баҳром ака Гўлиевдан олган билим ва кўникмаларини бойитиб, ҳаётга татбиқ этаётган Дилнозани иш устида учратдик. Иш жараёни ҳақида эса унинг ўзи сўзлаб берди:





— Соф гил тупрокдан, авало, лой тайёрланади. Унга озгина дам берилгач, аввалдан хомакиси чизилган буюм яратилади. У лой ҳолатида ва таг қисми қуригандан сўнг печкада пиширилади ва устига ранг берилади.

Дилнозанинг "Мўйсафид", "Зулфияхоним — вафо тимсоли", "Новвой" каби ижодий ишларида миллийлигимиз белгилари, қишлоқ муҳити, унинг содда одамлари акс этган. Тинимсиз изланишлар албатта самара бермай қолмайди. Дилноза академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ишбилармон ўқувчи — 2011" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибаси, 2010 йил "Буюк ипак йўли" халқаро туризм кўргазмаси совриндоридир. Унинг бундай танловлардаги иштироки, амалий ишлари юқори баҳоланди. Натижада 2010 йилдаги республика ҳунармандлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида кулол қиз яна бир эзгу ишга қўл урди. Вилоят Камолот ЁИҲ, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, "Ипотекабанк" ва "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида ташкил этилган "Менинг бизнес ғоям" танловининг вилоят босқичида ўттиз нафар ўқувчи қатнашган бўлса, улардан ўнтаси танловнинг республика босқичига йўлланма олишди. Республика миқёсида беллашувчилар сафидан жой олган Дилнозанинг "Тарихий обидаларни таъмирлаш" мавзуидаги лойиҳаси керамика маҳсулотлари бозорини жадаллаштиришга йўналтирилган. Уч йилга мўлжалланган ушбу ғояни амалга ошириш учун жами 5 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Мустақиллик тенгдоши Дилноза Туропова бу йўлда изланишларни тинмай давом эттириш ниятида.



Маъмура ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Футбол

ДАСТЛАБКИ ЎЙИН ВА ЙИРИК ҒАЛАБА

Футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 2012 йили ташкил этиладиган Осиё чемпионатига саралаш баҳсларининг "С" гуруҳи беллашувларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилмоқда.



Хабарингиз бор, қитъамиз мамлакатлари учун ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига йўлланма берадиган ягона турнир — Осиё чемпионати ҳисобланади. Мусобақа регламентига кўра, саралаш беллашувларида ўз гуруҳида дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар чемпионат йўлланмаларини қўлга киритади. Шунингдек, улар қаторига учинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар орасида энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иккитаси ҳам қўшилади.

Ҳозирча олти гуруҳда беллашувлар якунланиб, 13 мамлакат вакиллари саралашдан муваффақиятли ўтди. Осиё чемпионати финал босқичида қатнашадиган яна уч терма жамоа пойтахтимиздаги саралаш турнирида аниқланмоқда.

Баҳрайн, Тожикистон, Қирғизистон ва Ҳиндистон терма жамоалари билан "С" гуруҳидан жой олган ўзбекистонлик ўсмирлар саралаш ўйинларини муваффақиятли бошлади. Тошкент темир йўл муҳандислари институти стадионида ўтказилаётган саралаш мусобақасидаги биринчи учрашувни Қирғизистон футболчиларига қарши ўтказган вакилларимиз 7:0 ҳисобида зафар қучди. Ҳужумкор ўйин намойиш этган ёш футболчиларимиздан Шоҳжаҳон Аббосов рақиб жамоа дарвозасини уч маротаба ишғол қилган бўлса, қолган голларга Улуғбек Давлатов, Иброҳим Абдуллаев, Жамшид Болтабоев ва Иззатилла Абдуллаев муаллифлик қилди.

Гуруҳдаги биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Баҳрайн — Тожикистон 2:2, Ҳиндистон — Қирғизистон 7:0. Шунингдек, куни кеча иккинчи тур доирасида Ҳиндистон ва Баҳрайн жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам бўлиб ўтди. Мазкур беллашувда кутилмаганда ҳиндистонлик футболчилар рақибини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, икки турда ҳам зафар қозонган ҳинд футболчилари олти очко жамғариб, "С" гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида эса уч очко бор. Шу ўринда ўсмирларимиз бошқа тенгқурларига нисбатан битта учрашув кам ўтказганини таъкидлаш жоиз. Баҳрайнлик ва тожикистонлик футболчилар эса биттадан очкога эга.

Эслатиб ўтамиз, бугун Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳиндистонлик футболчиларга қарши майдонга тушади. Ўйин Тошкент вақти билан 11^{30} да бошланади.

Азим РЎЗИЕВ

ГОМОШАБИН ТАЛАБИ

Кино

қайси мезонлар билан ўлчанади?

Бозор иқтисодиёти товар ва маҳсулотлар хилма-хиллигини талаб қилади. Бу талаб, ўз навбатида, мамлакатимиз кино соҳасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Кейинги йилларда миллий кинолар сони анча кўпайди, ўзбек кино бозори хилма-хил жанрдаги фильмлар билан бойиб бормоқда. Масалан, 2010 йили республикамизда 48 та бадиий фильм катта экран юзини кўрди. Улардан 10 таси давлат маблағлари ҳисобига суратга олинди. 38 таси эса хусусий студияларда яратилди. Аммо сон билан сифат мутаносиблиги қай даражада? Миллий фильмларнинг савияси, уларнинг мазмун-моҳияти талабга жавоб берадими?

Кино бугунги томошабинларнинг савияси, уларнинг дунёқараши, қизиқиши, фикрлаш тарзига қараб яратилмоқда. Кимдир фильмлар талаб даражасида эмас, деса, яна кимдир ана шундай фильмлар бизни қониқтиради, деб фикр билдиришади.



Яна бир факт. Бундан ўн йил олдин бўшаб ётган кинотеатрлар ҳозир томошабинлар билан тўлган. Демак, миллий фильмлар томошабинларни жалб этяпти. Энг муҳими, фильмларимиз мамлакатимиз кинотеатрларидан хориж фильмларини сиқиб чиқармоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида 48 та фильм катта экранларга чиқарилган бўлса, улардан 8 таси давлат маблағлари эвазига, 40 таси хусусий студиялар томонидан суратга олинди. Улар орасида томошабинни ўйлатадиган, ёшларга маънавий озуқа берадиган кино асарлари ҳам йўқ эмас. Мазкур фильмларнинг талаб даражасида бўлишида профессионал ижодкорлар, таниқли кино намояндаларининг меҳнатлари катта бўлмоқда. Таассуфки, баъзи ёш "ижодкорлар"нинг шошма-шошарлик билан яратган "санъат асарлари" ҳақли эътирозлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Етарлича билим ва тажрибага эга бўлмай туриб, ҳам фильм сценарийсини ёзиб, ҳам уни суратга олаётган ва айни пайтда ўзлари роль ижро этаётган ижодкорлар учраб туради. Ёки соҳадан мўмай пул топиш илинжида кино санъати, тўғрироғи, уни бизнеси деб тушунадиган "ижодкорлар" миллий кино бозорига кутилмаган янгиликларни олиб киришмоқда. Масалан, яқинда катта экранларга чиқарилган "Ишонч" номли фильмни олайлик. Фильм рекламаси ҳар қандай томошабинни қизиқтириши табиий. Чунки унда ёш эстрада хонандалари (Самандар Ҳамроқулов, Шароф Муқимов, Отабек Муталхўжаевлар)нинг ижроси томошабинларни эътиборини тортади. Лекин фильм кимнингдир ҳаваси ёки эрмаги учун яратилгани кўриниб турибди. Энг ачинарлиси, ушбу фильм жорий йил ҳисобидан энг кўп томошабин йиға олган фильмлар қаторида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Жорий йилда катта экранларга чиқарилган қирққа яқин фильмлардан 8 таси бадиий-ғоявий савияга эга, улар профессионал ижодкорлар томонидан яратилган. "Фарзандим", "Сароб", "Қора илон", "Йигит йиғламасин", "Қутқаринг, қарияпман" каби фильмларни шулар сирасига киритиш мумкин. "Ўхшатмасдан учратмас", "Али, Вали, Ғани ёхуд Насиба қани?", "Олинг қуда, беринг қуда", "Эр бермоқ — жон бермоқ", "Ёндирадикуйдиради", "Сўнгги қўнғироқ", "Сенга муҳтожман", "Менинг акам бўйдоқ", "Хай-фай болакай" картиналари одатий маиший масалалар, ёшлар ўртасидаги севги-муҳаббат мавзусига бағишланган. "Ишонч", "Сирли муҳаббат", "Мен талабаман-2", "Сабоқ" фильмлари эса ҳаваскор ижодкорлар томонидан яратилган фильмлар ҳисобланади.

Сўнгги пайтда томошабинлар эътиборини қозониш мақсадида киноижодкорлар фильмнинг номига катта эътибор қаратишмоқда. Ном унинг мазмунига мос ёки бунинг акси экани ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Бир мисол. Одатда сўнгги қўнғироқ деганда кўз ўнгимизда мактаб битирувчиларининг ҳаяжонлари гавдаланади. Аммо ижодкорлар нимага асосланиб "Сўнгги қўнғироқ" фильмига шу номни танлашганини тушуниб бўлмайди. Ваҳоланки, фильмда коллеж ўқувчилари ҳаёти ёритилган бўлиб, турли ижтимоий муҳитда тарбияланган йигитларнинг ўзаро дўстлашиб кетиши акс этган.

Маълумки, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан ҳар йили давлат маблағлари асосида тарбиявий аҳамиятга эга, инсон руҳиятига мос, айниқса, ёшларбоп фильмлар суратга олинади. Бу йил катта экранларга чиқарилган "9 ой", "Қарздор", "Ўргимчак тўри", "Кечиккан ҳаёт", "Қўрғошин", "Иқтидор", "Алданган аёл" ҳамда "Ҳақиқат куни" каби фильмлар республикамиз кинотеатрлари ва маҳаллий телеканаллар орқали кенг намойиш этилмоқда. Ушбу фильмларда халқимизга хос характер, ижтимоий мавзу, янгича ғоялар акс этгани билан нодавлат студиялар томонидан яратилган фильмлардан кескин фарқ қилади.

Бугун ўзбек кино бозоридан турли мавзудаги фильмларни топиш мумкин. Томошабин эса ўз дидига мос фильмни танлайди. Вақт — олий ҳакам. Йиллар ўтиб, ҳозирда ўз ижод йўлини бошлаган ҳаваскор киноижодкорлар ҳам янада мукаммал киноасарлар яратишига тилакдошмиз.

Дилфуза МАРДОНОВА,
"Ўзбеккино" Миллий агентлиги бўлим бошлиғи



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси А.Мелибоевга акаси
Умаржон МЕЛИБОЕВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Ш.Деҳқоновга падари бузруквори
БЕКМИРЗА отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21^{00}
Топширилди — 21^{00}

® — тижорат белгиси.

Адади: 5252 Буюртма — Г-1055 1 2 3 5